N 50 (231) • 2009 йил 14 декабрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ЕХҲТ/ДИИҲБ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

***Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан (ДИИҲБ) сайловларни баҳолаш бўйича 13 кишидан иборат миссияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.***

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси халқаро кузатувчиларига мандатлар топширилиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар фикр алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов ДИИҲБ вакилларига Марказий сайлов комиссияси амалиётида биринчи марта жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳақида сўзлаб берди ҳамда ушбу Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси экспертлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайловда иштирокининг ҳуқуқий асослари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги саволларга жавоб олдилар.

– Биз Ўзбекистон томонининг ҳамкорликка тайёр эканига гувоҳи бўлдик ва биргаликда самарали ишлай оламиз деб ўйлайман, – деди ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси раҳбари Иоланда Брунетти. – Миссиямиз Ўзбекистонга сайловларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ташриф буюрди. Мен мамлакатингизда сайлов қонунчилигининг ривожланишини изчил кузатиб келмоқдаман ва ҳозирги кунда бу борада кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига ишонч ҳосил қилдим.

Миссия раҳбарининг таъкидлашича, ДИИҲБ сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бир қанча сайлов участкаларини бориб кўришни режалаштирмоқда.

Миссия экспертлари Ўзбекистонда 31 декабргача бўлади. Миссия ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда сайловларнинг ўтказиш, шунингдек, ДИИҲБнинг аввалги тавсияларининг амалга оширилишини баҳолайди ҳамда баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Экспертлар давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, суд органлари, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказади.

## БОЗОРЛАРДА ТЕРМИНАЛЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Мамлакатимизда тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора ривожланмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жойларда фаолият олиб бораётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида, жумладан, деҳқон бозорларида терминаллар кўпайтирилмоқда.***

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, жорий йилда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 12 деҳқон бозорининг савдо– харид корхоналарига қарашли расталарга ўттиздан ортиқ терминал ўрнатилган. Бу эса пластик карточка орқали картошка, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш имконини бермоқда.

– Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган бозоримиздаги савдо шохобчаларига тўртта терминал ўрнатилган, – дейди «Фарҳод деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти савдо-харид корхонаси раҳбари Баҳодир Саидов. – Мамлакатимизда пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш тизими ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда янги, 2010 йилда уларнинг сонини кескин кўпайтириш режалаштирилган.

*Қарор ва ижро*

## КРЕДИТ АХБОРОТИ: БАНККА ҲАМ, МИЖОЗГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган банк тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, банклар капиталлашувини кўпайтириш, иқтисодиёт реал секторига кредит ажратиш миқдорини кенгайтириш ва кўрсатилаётган банк ҳамда молия хизматлари сифатини яхшилаш имконини бермоқда.***



Банк тизими иқтисодиёт реал секторини молиялаш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш, муҳим тармоқ ва корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, аҳоли ва хўжалик субъектлари омонатларини жалб қилиш, хўжалик субъектлари ўртасида тўловлар ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиз тижорат банкларига ҳар куни минглаб мижозлар кредит сўраб мурожаат қилмоқда. Бу борада банклар мижоз фаолияти, яъни унинг кредит тарихи, бошқа банклардан қарзи бор ёки йўқлиги, учинчи шахсларнинг кафолати, корхона ва лойиҳа менежерлари малакаси, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборотга эга бўлишдан манфаатдор. Бундай маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади, мижоз эса қисқа муддат ичида маблағ олиши зарур.

Шу мақсадда ихтисослашган институтлардан қарз олувчининг кредит тарихи ҳақида ахборот олиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ушбу фаолият тури дунёнинг кўп давлатлари учун янгилик ҳисобланади.

– Кредит ҳақидаги ахборот алмашинуви жуда муҳим масаладир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти директори Нурали Холмуродов. – Чунки бу банкларнинг бўлажак қарз олувчиларнинг тўловга лаёқатлилиги тўғрисида ҳабардорлик даражаси билан боғлиқдир. Ушбу ахборот кредит қайтарилишини аниқ тахмин қилиш, мамлакатимиз банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотларига активларни самарали тақсимлаш ва фоиз ставкаларини белгилашда ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелда қабул қилинган «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда кредит тўғрисида ахборот алмашиш тизими ташкил этилди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюросини ўз ичига олади.

Мазкур тизим, биринчидан, мамлакатимиз тижорат банкларини кредит олувчилар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш имконини берса, иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг молиявий салоҳиятини оширишга қаратилган.

Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институтида Кредит ахборотининг ягона давлат реестри ташкил этилган. Айни пайтда унда 626 минг нафардан ортиқ қарз олувчининг бир миллионга яқин кредит шартномаси ҳақида маълумот бор. Ҳар куни барча банклар ва уларнинг 800 дан зиёд филиаллари билан реал вақт режимида кредит ахбороти алмашинуви амалга оширилади. Шу сабабли банклар ва қарз олувчиларнинг молия-кредит интизоми мустаҳкамланиб бормоқда.

Мазкур тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг аввал олинган кредитлари ва мажбуриятлари бўйича кафолатларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топган кредит тарихини шакллантиради. Қўйилган шартлар ўз вақтида бажарилган кредит рейтинги корхонага зудлик билан кредит олиш ва имтиёзли ставкалар ҳисобидан фоизлар бўйича сарф-харажатларни тежаш имконини беради. Шу тариқа ҳалол тадбиркорларнинг молиявий обрўси мустаҳкамланмоқда ва уларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Ахборот алмашинуви жараёнига мамлакатимизнинг барча тижорат банклари жалб қилинган бўлиб, кредит иттифоқлари, ломбардлар, лизинг компаниялари ва кредит ажратиш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар унинг иштирокчилари саналади. Шунингдек, унда кредит ахборотини тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш бўйича ихтисослаштирилган институтлар, мисол учун, давлат реестрлари, турли вазирлик ва идоралар, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда суғурта компаниялари ҳам қатнашиши мумкин.

Ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини оширади ва банк таваккалчиликларини камайтиради.

Сўнгги икки йилда Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти фаолияти кредит тўғрисида ахборот алмашиш тизимини ривожлантириш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ўзбекистон тижорат банкларининг халқаро стандартларга асосланган самарали банк назорати, активларнинг ликвидлиги ва сифатининг доимий мониторингини амалга ошириши ҳам етакчи рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланди. Айни пайтда жами активлари банк тизимининг қарийб 90 фоизини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Moody's», «Fitch» ва «Standard & Poor's» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтингига эга.

*ЎзА материаллари асосида тайёрланди.*

УШБУ СОНДА

2-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
3-4-бетлар — Маслаҳатни юрист беради
5-12-бетлар — Янги қонун ҳужжатлари
13-бет — Ходим ишга чиқмаса

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
www.interpress.uz
ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Классон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

**?** ***Бизнинг ташкилотимизни устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган корхона ташкил қилган. Ташкилотимиз «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига асосан ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладими, ушбу модда устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурий аудиторлик текширувини назарда тутади.***

***Агар устав фондида давлатга тегишли улушга (шу жумладан 100% миқдорида) эга бўлган хўжалик юритувчи субъект унитар (ёки шуъба, тобе) корхона шаклида бунёд этилган мустақил юридик шахснинг муассиси ҳисобланса, бундай юридик шахс устав фондида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланадими?***

**ШК директори.**

# ДАВЛАТ УЛУШИГА ЭГА БЎЛСА ҲАМ

– Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади *(Фуқаролик кодексининг 71-моддаси)*. Ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шуъба корхона) ташкил этиши мумкин.

Агар устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъект мустақил юридик шахсни ташкил этса, бунёд этилган корхона устав фондида давлат улуши бўлган субъект ҳисобланмайди ва **ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлмайди.**

Гарчи ташкилотингиз устав фондида давлатга тегишли улушга эга корхона томонидан ташкил этилган бўлса ҳам, унинг ўзи давлат улушига эга корхоналар сирасига кирмайди ва шу сабабли ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтмаслиги керак.

***Жавоб «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.***





# АГАР ОЛУВЧИ РАФИҚАСИГА ИШОНСА...

**?** ***Соғлиғига етказилган зиён учун корхонадан товон олаётган собиқ ходимимиз Россиядаги доимий яшаш жойига кўчиб кетди ва у ерда фуқаролик олди. У собиқ рафиқасига товон пули суммасини олиш ҳуқуқи учун уч йил муддатга ишончномани расмийлаштирди. Биз унга ана шу товонни тўлашга ҳақлимизми ёки у ўзи ҳақидаги маълумотларни хабар қилиши ва корхона унга ана шу маблағларни Россияга почта орқали ўтказиши лозимми?***

**Бош бухгалтер.**

– Сиз ходимнинг собиқ рафиқасига у берган ишончнома асосида товон пулини тўлашга тўла ҳақлисиз. Ишончнома нотариал тасдиқланиши ва Фуқаролик кодексининг 134-144-моддаларига мувофиқ бўлиши керак.

***Елена ЕРМОХИНА, «Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

# ПИВО СОТИЛМАЙДИГАН БАР

**?** ***Ҳурматли таҳририят!***

***Қуйидаги масала бўйича тушунтириш берсангиз: Вазирлар Маҳкамасининг «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори** (2009 йил 26 октябрдаги 282-сон) **умумий овқатланиш корхоналарига (кафе, бар, ресторан ва ҳоказоларга) нисбатан амал қиладими?***

**Олдиндан миннатдорчилик билдириб, корхона директорининг ўринбосари. Тошкент шаҳри.**

– Ҳа, Вазирлар Маҳкамасининг «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори меъёрлари умумий овқатланиш корхоналарига (кафе, бар, ресторан ва ҳоказоларга) татбиқ этилади. Унинг 1-бандига мувофиқ 2009 йил 1 ноябрдан бошлаб таълим муассасалари ва диний ташкилотлардан камида 500 метр радиусда жойлашган **савдо объектлари** орқали пивони чакана сотиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова)* 3-бандининг еттинчи хатбошисига кўра савдо объектлари деганда умумий овқатланиш савдо объектлари ҳам тушунилади.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ҲАМ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ

**?** ***Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибининг** (ВМнинг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига 1-илова) **1-бандида: «Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) хорижий валютадаги тушумни мажбурий тартибда сотадилар» деб ёзилган. Якка тартибдаги тадбиркор ҳам хорижий валютадаги тушумни сотиши керакми?***

***Ёрдамингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.***

**И.Ҳошимов, иқтисодчи.**

– Бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектга таъриф берилган. Хусусан, Жиноят кодексининг VIII бўлимида, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунининг *(1996 йил 27 декабрдаги 355-I-сон)* 3-моддасида, Товар бозорлари чегараларини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисидаги низом *(Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ва МИСВнинг АВ томонидан 2001 йил 9 мартда 1014-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 3-бандининг «г» кичик бандида хўжалик юритувчи субъектлар деганда товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, харид қилиш ва хизматлар кўрсатиш, бошқа тижорий фаолияти билан шуғулланадиган барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги, шу жумладан хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек **юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар** тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибининг *(ВМнинг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига* 1-илова)* 1-бандида якка тартибдаги тадбиркорларга тааллуқли бўлган бирор-бир аниқлаштириш ва истисно мавжуд эмас. «Кейинги ўринларда корхоналар деб аталади» жумласи ҳуқуқ белгилайдиган маъноға эга эмас, балки мазкур ҳужжатни қўллаш мақсадида фақат тадбиркорлик субъектларини умумлаштиришга мўлжалланган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъект бўлганлиги учун **якка тартибдаги тадбиркор валюта тушумини** юқорида кўрсатилган Низом билан белгиланган тартибда **сотиши керак.**

*«Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

***Артём ОТСТАВНОВ, «Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

# ХАЛҚАРО БИТИМ УСТУВОР

**?** ***Бизнинг ташкилотимиз БМТРД ваколатхонаси билан олиб ўтилаётган юкларнинг божхона расмийлаштируви ва декларацияланиши жараёнларини автоматлаштириш мақсадида Ўзбекистон божхона органларида ўрнатиш учун мўлжалланган «Декларант» дастурий мажмуининг техник ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир контракт тузди. БМТРД тизимида амал қилувчи тасдиқланган қоидалар ва таомилларга мувофиқ контракт бўйича ҳақ бажарилган ишлар натижалари топширилганидан кейин АҚШ долларида тўланиши керак. Уларда бундай контрактлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилмаган. Хизмат кўрсатувчи банк бизга контрактда олдиндан ҳақ тўлаш тўғрисидаги шарт йўқлигини важ қилиб кўрсатиб, уни ҳисобга қўйишдан бош тортиб, биздан суғурта полиси ёки буюртмачи банкининг кафолатини тақдим этишни талаб қилди. Банкнинг ҳаракатлари тўғрими? Биз контрактни банкда ҳисобга қўймасдан туриб бажаришимиз мумкинми?***

**МЧЖ директори.**

– Банкнинг ҳаракатлари тўғри эмас. Сизнинг ҳолатингизда контракт Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури ўртасида 1993 йил 10 июнда тузилган Битим* қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши ва ижро этилиши керак, чунки «Декларант» дастурий мажмуи БМТРДнинг ўз эҳтиёжлари учун эмас, балки Ўзбекистон божхона органлари учун тузилади ва уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар БМТРД томонидан республика ҳукуматига кўрсатиладиган ёрдам доирасида молияланади *(кўрсатилган Битим I моддасининг маъносидан келиб чиқилганда)*.

Айтиб ўтилган Битим IX моддаси 1-бандининг «с» кичик бандига мувофиқ БМТРД ваколатхонаси тўловларни, молиявий назоратнинг бирор-бир шакллари, мораторий қоидалари билан чекланмаган ҳолда, исталган валютада ўз хоҳишига кўра амалга ошириши мумкин. Ушбу модданинг 5-бандига кўра республика ҳукуматига ёрдам кўрсатиш доирасида БМТРД молиялаган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича «хизмат вазифаларини бажараётган шахслар»га БМТРД билан бундай лойиҳаларни бажариш ёки уларни бажаришга ёрдам кўрсатиш мақсадида ижрочи муассасалар сифатида ёки бирор-бир бошқа сифатда контракт тузган фирмалар ҳам киради. Битим X моддасининг 1-бандида айтилишича, ҳукумат БМТРД, унинг ижрочи органлари, экспертлар ва уларнинг хизматида бўлган бошқа шахсларни, шу жумладан жойнинг ўзида ёлланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ушбу Битимга мувофиқ адо этаётган мажбуриятларига зид бўлиши мумкин бўлган қарорлар ва бошқа ҳуқуқий қоидаларнинг қўлланиши доирасидан чиқариш учун керак бўладиган барча чораларни кўради, уларга БМТРД ёрдамини тез ва самарали қўллаш учун лозим бўлиши мумкин бўлган шу каби имтиёзлар беришини кафолатлайди.

Юқорида келтирилган қоидалар республикага БМТРД кўрсатаётган ёрдам доирасида ушбу халқаро ташкилот билан тузиладиган контрактларга нисбатан амалдаги қонунчиликнинг баъзи талабларини, агар улар БМТРДнинг белгиланган иш қоидаларидан фарқ қилса ва у томонидан молияланадиган ривожланиш лойиҳаларини Битим доирасида амалга оширишга тўсқинлик қилса, қўлламаслик имконини беради. Сизнинг ҳолатингизда бу мажбурий равишда олдиндан ҳақ тўлашга *(Президентнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1154-сон Фармонининг 1-банди)* ва буюртмачи банкининг кафолати ёки экспорт контрактини сиёсий ҳамда тижорат хатарларидан суғурталаш полисининг мавжудлигига *(Президентнинг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1871-сон Фармонининг 2-банди)* тааллуқлидир.

Юқорида кўрсатилган Битим ички қонунчилик қоидаларига нисбатан «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун *(2000 йил 26 майдаги 77-II-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда)* 2-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ устуворликка эга, унда айтилишича, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.



Контрактни олдиндан банкда ҳисобга қўймасдан туриб унинг шартларини бажаришингизни қонун тақиқламайди. Бу ҳолда, Ваколатли банкларнинг экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг *(АВ томонидан 2000 йил 9 августда 954-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 5.3.2-кичик бандига мувофиқ, у экспортчи банкка 954-сон Низомнинг 2-бўлимига мувофиқ ҳужжатларни тақдим этганида, БМТРДдан валюта маблағлари келиб тушганидан кейин банкда ҳисобга қўйилиши керак.

***Артём МОКШИН, «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлимининг бошлиғи.***

*2005 йил 7 апрелдан кучга кирган.

# ТАСНИФНОМАГА ҚАРАНГ

***Президентнинг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорининг 9-1-иловасига кўра саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган корхоналар 7%лик ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Ушбу ставка қандай корхоналар учун белгиланган?***

**Л.Кармазина.**

***

***Нон ёпиш корхонамизнинг фаолият турларидан бири саналади. У ягона солиқ тўловини қандай ставка бўйича – 7 ёки 8%да тўлаши керак?***

**Ольга М.**

– Саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган корхоналарга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, табиий хом ашё ва материалларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва қўшимча ишлов бериш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш, машина ва ускуналар тайёрлаш ва ҳоказоларни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Корхонани умуман ёки айрим фаолият турини саноат ишлаб чиқаришига киритишда Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифномаси (ХХТУТ)га амал қилинади, унда саноат корхоналари алоҳида қилиб 10000-бўлимга ажратилган.

***

– ХХТУТ бўйича нон маҳсулотини ишлаб чиқариш 18113-«Нон ёпиш саноати» гуруҳига киритилган. Бинобарин, нонни реализация қилишдан олинган тушумдан 7%лик ставка бўйича ягона солиқ тўлови тўланади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, ЯСТ солишнинг ва (ёки) ставкасининг турли объектлари белгиланган бир неча фаолият турини амалга оширадиган корхоналар алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари керак.

***Жавоб «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.***

NORMA
*Мақолалар электрон маълумотнома тизим материаллари асосида тайёрланди*
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАДАН ҚАРЗ БЕРИЛГАНДА...

***Ташқилот бухгалтери молиявий ёрдам сифатида ўзининг пластик карточкасидан пул маблағларини ходимларга иш ҳақи берилиши учун ташкилотнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказа оладими? Бунда ташкилот билан бухгалтер ўртасида қандай шартнома тузилиши керак?***

**Корхона бухгалтери.**

– Ҳа, ўтказа олади. Бунинг учун корхонангиз билан жисмоний шахс сифатида бош бухгалтер ўртасида қарз шартномаси тузилиши керак, унга асосан терминал ёрдамида бош бухгалтер маблағларни ўзининг пластик карточкасидан ташкилотингизнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказиши мумкин.

Шартнома тузиш, унинг шартларини белгилашда Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин – ФК)* 353-385, 732-742-моддаларига амал қилиш лозим. ФК 734-моддасининг биринчи қисмига амал қилиб, шартномада пул қарзи хусусиятини белгилайдиган шартларни: пулли, яъни қарз маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаб ёзилиб ва тўланиши ёки пулсиз, яъни фоизлар ҳисоблаб ёзилмаслигини акс эттириш керак.

Шунингдек шартномада **унинг амал қилиш муддатини** белгилаш мақсадга мувофиқдир (қарз муддати – ой, чорак, ярим йил, бир йил ва ҳоказо), у тугаганидан кейин қарз олувчи қарз берувчига қарзнинг асосий суммасини қайтариши *(ФК 735-моддасининг биринчи қисми)*, шунингдек агар қарз пулли тусда бўлса, фоизларни тўлаши *(ФК 734-моддасининг учинчи қисми)* шарт.

ФКнинг 739-моддасига кўра шартномада қарз ***аниқ мақсадли*** – ходимларга иш ҳақини тўлаш учун эканлигини белгилаш тавсия қилинади. Бундан ташқари, унда пул маблағларини тақдим этиш тартиби бош бухгалтернинг пластик карточкасидан терминал ёрдамида корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилишини акс эттириш керак. Шартнома матнига **қарзнинг асосий суммасини тўлаш шакли** (бир маротаба ёки бўлиб-бўлиб тўланиши) тўғрисидаги қоидани киритиш тавсия қилинади. Биринчи ва иккинчи ҳолларда тўловларни амалга ошириш муддатларини кўрсатиш мақбулдир.



Қарз суммасини ***бир маротаба*** қайтариш шарти қўйилганда муддатни аниқ календарь санаси ёки қарз муддати тугагандан кейинги вақт даври ёки қарз берувчи қарз суммасини талаб қилиш пайти билан белгилаш керак. Тўловнинг «***бўлиб-бўлиб тўлаш***» шакли белгиланганда тўловларни амалга ошириш босқичлари (даврлари)ни (ҳафта, ой, чоракда бир марта ва ҳоказо) ҳамда тўланадиган пул маблағлари суммаларининг ҳажмларини белгилаш тавсия қилинади.

Шартномада пуллар қандай шаклда қайтарилишини қайд этиш тавсия қилинади, яъни: пластик карточкага ўтказиш[1] йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

*[1]Шуни таъкидлаш жоизки, иш ҳақи пластик карточкаси аниқ мақсадли тусга эга, шу сабабли кейинчалик солиқ солиш билан боғлиқ муаммолар юзага келмаслиги учун қарз бош бухгалтернинг иш ҳақи пластик карточкасига эмас, балки унинг аниқ мақсадли бўлмаган шахсий карточкасига қайтариш лозимлигини ҳисобга олиш керак.*

# КАРТОЧКА ТЎЛОВЛАРИДАН БОШ ТОРТМАНГ

***Банк пластик карточкаларини қабул қилиш учун терминал мавжуд бўлмаса, шунингдек агар мазкур терминал ишламаса ёки сотувчи пластик карточка орқали тўланадиган ҳақни қабул қилишдан бош тортса, чакана савдо корхонаси ва унинг мансабдор шахслари қандай жавобгарликка тортилади?***

– Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг *(МБ бошқаруви ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1986-сон Низом)* 13-бандига мувофиқ, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек улар зиммасига Солиқ кодексининг 119-моддасига мувофиқ жавобгарлик юкланади, унда энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима назарда тутилган. Мазкур қонунбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда – энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



1986-сон Низом 11-бандининг биринчи хатбошисига кўра терминалнинг мавжуд эмаслиги ёки сотувчи ходимларнинг ундан фойдаланишни билмаслиги туфайли ҳамда тўлов терминалининг носозлигини баҳона қилиб банк пластик карточкалари ёрдамида тўловларни қабул қилмаслик ҳолатида ушбу ходимлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар: сотувчиларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 5 бараваригача, раҳбарлар ёки бошқа айбдор шахсларга унинг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солинади. Кўрсатилган ҳуқуқбузарликни анча миқдорда содир этиш* сотувчиларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача, раҳбарлар ёки бошқа айбдор шахсларга унинг 7 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 189-моддасига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликларни кўп миқдорда* содир этиш энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар жуда кўп миқдорда* содир этилган ҳолларда энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 6 ойгача қамоқ жазоси қўлланилади.

***Артём ОТСТАВНОВ,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

**Жиноят кодекси махсус қисмининг VIII бўлимига мувофиқ:*
*анча миқдор ЭКИҲнинг 30 бараваридан 100 бараваригача;*
*кўп миқдор ЭКИҲнинг 100 бараваридан 300 бараваригача;*
*жуда кўп миқдор ЭКИҲнинг 300 баравари ва ундан кўп миқдорни ташкил қилади.*
*Мазкур ҳолда ҳуқуқбузарлик миқдори банк карточкаси орқали тўловга қабул қилинмаган сумма билан белгиланади.*

## ХОРИЖ ҚОНУНЧИЛИГИ

### ИШ БЕРУВЧИ УЧУН ТЎСИҚ



***Москва мэри москвалик иш берувчиларнинг деярли ярми иш ҳақини вақтида тўламаётганлиги сабабли мамлакат ҳукуматига таклиф билан мурожаат этишга қарор қилди.*** Бу таклиф мазмуни қуйидагича: агар иш берувчи ходимлар олдидаги мажбуриятини муддатида бажармайдиган бўлса, у ҳолда корхона эгалари хорижга бора олишмайди. Қарз сўндирилиши билан йўл очилади. Мазкур таклиф эгасининг фикрича, бу чора жуда яхши самара беради ва юзага келган вазиятда қўлланиши зарурий ҳисобланади.

### АМАЛДОРЛАР УЧУН ЖАРИМА

***Россияда Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга тузатишлар билан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, у тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари учун давлат назорати органлари ва масъул шахсларнинг қатъий жавобгарликка тортилишини белгилайди.*** Бу чора РФ Ҳукуматининг инқирозга қарши курашиш режасига киритилган.



Нафақат жарималар, балки дисквалификацияни қўллаш ҳам назарда тутилган. Жарима суммаси 10 000 – 20 000 рубль миқдорида белгиланади. Қонун лойиҳаси муаллифларининг ҳисоблашича, жарима миқдори эмас, балки бундай жазо чорасининг ўзи муҳимдир. Агар амалдор бир марта жаримага тортилган бўлса, иккинчисида ишдан бўшатилади.

### СУБСИДИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

***Москва ҳукумати Шаҳар бюджетидан субсидиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлади.*** Низомда беғараз ва қайтарилмайдиган асосда бериладиган субсидиялар юридик шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек илмий ва саноат фаолияти ҳамда ижтимоий соҳа учун Москва шаҳридаги давлат автоном муассасаларига режалаштирилаётган ёки амалга оширилган харажатлар ёхуд тўлиқ олинмаган даромадларни қоплаш мақсадида берилиши белгиланган. Субсидияларни белгиланган танлаб олиш мезонларига (Низомда санаб ўтилган) мос келганда ҳам олиш мумкин. Чунончи, масалан, олувчининг аризаси округни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мувофиқ келиши лозим. Барча даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз, шунингдек Москва бюджетидан қайтариш асосида ажратилган маблағлар бўйича муддати узайтирилган қарзлар мавжуд бўлмаган тақдирда субсидия олиш имкони янада ошади.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚД бошлиғининг «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ИВ, МВ, ДСҚ, Давлат статистика қўмитасининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДАН 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (8-СОН МБМС) «ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА МУЛК ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ»НИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 44-сон, 474-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

**2009 йил 7 ноябрдан кучга киради.*

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Раис***
**Д.МУСАЕВ.**

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 6 октябрь*
*01/19-18/20-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги*
*01/19-18/20-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (8-СОН МБМС) «ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА МУЛК ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ»

Мазкур Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

### I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 8-сон МБМСнинг мақсади хусусийлаштириш объектлари қийматини аниқлаш ва баҳолаш натижаларини акс эттириш меъёрлари ва қоидаларини белгилашдан иборатдир.

2. 8-сон МБМСнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хусусийлаштириш объектларини баҳолашнинг стандарт тушунчалари ва қоидаларидан фойдаланиш орқали баҳоловчилар ҳаракатларининг мувофиқлигини таъминлаш;

баҳолашнинг холисоналигига ва унинг сифатини оширишга кўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаш;

бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаш;

мулкни баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш.

## II-БОБ. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

3. 8-сон МБМСда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

**аналог** — асосий иқтисодий, жисмоний ва бошқа тавсифларга кўра баҳолаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки рақобатли бозорда қилинган таклифдан маълум бўлган бошқа объект;

**баҳолаш санаси** — баҳолаш объектининг қиймати аниқланган сана;

**пул оқими** — даромад келтираётган мулкдан фойдаланишда ва (ёки) уни сотишдан тушумлар ва чиқимлар (харажатлар)дан ҳосил бўладиган ҳақиқий ёки ҳисобий даврий даромад;

**дисконтлаш** — баҳолаш объектидан кутилаётган бўлғуси пул оқимларини дисконтлашнинг тегишли ставкасидан фойдаланиб жорий қийматга келтириш;

**фаразлар** — баҳоловчининг ҳаққоний деб ҳисобланадиган тахминлари. Фаразлар текшириш ва тасдиқлаш мумкин бўлмаган баҳолаш объектига ёки баҳолаш ёндашувларига таъсир этадиган фактлар, шартлар ёки вазиятларни ўз ичига олади;

**эскириш (қадрсизланиш)** — жисмоний эскириш, функционал ва ташқи (иқтисодий) қадрсизланиш каби турли сабаблар таъсирида мулк қийматининг йўқолиши;

**капиталлаштириш** — баҳолаш объектидан кутилаётган тушумларни унинг жорий қийматига айлантириш;

**назорат улуши** — мулкда қатнашиш (корхона устав фондида улуш) бўлиб, унинг эгасига корхона устидан назорат қилиш имкониятини таъминлайди;

**мультипликатор** — корхонанинг нархи ёки бошқа қиймат негизи ва унинг фаолиятини тавсифловчи молиявий, ишлаб чиқариш ва моддий кўрсаткичлари ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи коэффициент.

**чекловчи шартлар** — қонунчилик, буюртмачи ёки баҳоловчи томонидан баҳолашга қўйилган чеклашлар;

**таваккалчилик** — баҳолаш объекти қийматига таъсир кўрсатишга қодир бўлган прогноз қилинаётган натижаларга эришмаслик ёки улардан ҳар қандай четлаш;

**ихтисослаштирилган мулк** — ўзининг (мазкур мулк хусусияти ёки унинг тузилиши, конфигурациясининг хусусиятлари, ўлчами, жойлашган ери ва бошқалар билан белгиланган) хусусиятига кўра фойдаланиш доираси чекланган мулк;

**дисконтлаш ставкаси** — бўлғуси пул оқимларини жорий қийматга ўзгартириш учун ишлатиладиган унумлилик ставкаси;

**капиталлаштириш ставкаси** — одатда фоиз ҳисобида ифодаланган маълум давр учун даромад миқдорини қийматга ўзгартиришда ишлатиладиган бўлувчи.

## III-БОБ. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

4. Қуйидагилар хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектлари (кейинги ўринларда матнда баҳолаш объекти деб юритилади) ҳисобланади:

мулкий мажмуалар сифатидаги давлат унитар корхоналари ёки давлат муассасалари (кейинги ўринларда матнда корхоналар деб юритилади);

давлат мулкида бўлган кўчмас ва кўчар мулк;

давлатга тегишли бўлган қимматли қоғозлар;

юридик шахсларнинг устав фондларида давлатга тегишли бўлган улушлар ва мулкий пайлар;

давлатга тегишли бўлган номоддий активлар.

5. 8-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектлари қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ва хусусийлаштирилаётган мулкни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир.

6. 8-сон МБМС:

банкротлик тартиботлари доирасида реализация қилинаётган баҳолаш объектлари;

хусусийлаштирилаётган давлат тураржой фонди;

ҳаво ва сув транспорти воситалари;

алоҳида баҳолаш объектлари сифатида хусусийлаштирилиши лозим бўлган номоддий активлар қийматини баҳолашга татбиқ этилмайди.

7. Баҳолаш объектининг 8-сон МБМСга мувофиқ аниқланган қиймати хусусийлаштириш объектининг бошланғич нархини белгилашда тавсия этиладиган қиймат ҳисобланади. Хусусийлаштириш чоғида тузилган битимда белгиланган нарх баҳолашни амалга ошириш чоғида аниқланган қийматдан фарқ қилиши мумкин.

8. 8-сон МБМСни амалиётда қўллашда ушбу 8-сон МБМСнинг иловасида* келтирилган Услубий кўрсатмалардан фойдаланиш лозим.

## IV-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИК

9. Баҳолаш амалиётида «эскириш» атамасининг мазмунини бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган шундай атама (амортизация ажратмалари) мазмунидан фарқлаш лозим. Шу туфайли ҳам, «эскириш» ёки «ҳисобланган эскириш» атамаларини баҳоловчилар Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (1-сон МБМС)да (рўйхат рақами 1604, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 302-модда) акс эттирилган баҳолашнинг умумий принциплари ва тушунчаларига мувофиқ қўллашлари лозим.

«Асосий воситалар», «товар-моддий захиралари», «номоддий активлар», «бошланғич қиймат», «жорий қиймат», «қолдиқ (баланс) қиймати» тушунчалари улар бухгалтерия ҳисобида қайси маънода қўлланилса, шу маънода тушунилиши лозим.

10. Молиявий ҳисобот ҳужжатларидан МБМСнинг асосий фарқи шу билан белгиланадики, баҳолаш объектини баҳолашда қўлланиладиган қийматнинг пулдаги ифодаси тарихий факт эмас, балки муайян даврда объектнинг фойдалилигига қийматнинг танланган турига мувофиқ берилган баҳо ҳисобланади. Қийматнинг бу баҳоси молиявий ҳисоботда акс эттирилган қийматдан фарқ қилиши мумкин.

## V-БОБ. СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ

11. Баҳолаш объектининг қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

баҳолаш объектини идентификация қилиш;

ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили (8-сон МБМСда назарда тутилган ҳоллар учун);

баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш.

### 1-§. Баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш

12. Баҳолаш ҳақидаги вазифа буюртмачи томонидан

**Илова берилмайди. Илованинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда ва www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.*

баҳоловчи ташкилот билан биргаликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

баҳолаш объектининг номи ва тавсифи;

баҳолаш санаси;

баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;

чекловчи шартлар;

буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этиши лозим бўлган дастлабки маълумотлар рўйхати;

баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолаш ҳақидаги вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

13. Давлат корхонаси ёки муассасасини хусусийлаштиришда, агар давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг қарорлари билан ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланади. Баҳолаш мақсадларига қараб бозор қиймати билан бир қаторда бозор қийматидан фарқ қилувчи бошқа қиймат аниқланиши ҳам мумкин. Бозор қийматидан фарқ қилувчи бошқа қийматини аниқлаш зарур ҳолларда, аниқланаётган қийматнинг қўлланиш сабаблари ва унинг бозор қийматидан фарқи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилиши ва тавсифланиши лозим.

14. Аниқланадиган қиймат тури баҳолаш ҳақидаги вазифада белгиланиши ва кейинчалик баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши ва тушунтирилиши лозим.

### 2-§. Баҳолаш объектини идентификация қилиш

15. Баҳолаш объектини идентификация қилишда баҳоловчи баҳолаш объектини ва унга бўлган ҳуқуқларнинг амалдаги ҳолатини тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлайди. Шунингдек, баҳолаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган фаразлар ва чекловчи шартлар таҳлили амалга оширилади.

16. Баҳолаш объектини идентификация қилиш баҳоловчи томонидан буюртмачи ва (ёки) унинг вакили тақдим этган ҳужжатлар асосида баҳолаш объектини кўздан кечириш, ўлчаш, фотосуратга олиш (зарур ҳолда), унинг амалда мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, объект номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, жисмоний таркиби, техник тавсифини ва баҳолаш объектининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бошқа маълумотларни ўз ичига олган тавсифини ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

17. Акциялар, улушлар (пайлар)ни баҳолашда баҳоловчи уларнинг жорий ҳолатини буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ҳужжатларга, корхона (эмитент)нинг таъсис ҳужжатларига ва қимматли қоғозлар ваколатли депозитарийси маълумотларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим.

18. Буюртмачи билан келишган ҳолда, баҳолаш объектини (унинг таркибий қисмларини) идентификация қилиш баҳолаш объекти фаолиятининг хусусияти ва (ёки) асосий воситалар бирлигининг микдоридан келиб чиққан ҳолда чекланган хусусият касб этиши мумкин.

Баҳолаш объектини идентификация қилишнинг чекланган хусусияти баҳолаш ҳақидаги вазифада чекловчи шартлар билан бир қаторда кўрсатилади.

19. Тақдим этилган ҳужжатлар билан баҳолаш объекти ва унга бўлган мулкий ҳуқуқларнинг амалдаги ҳолати ўртасидаги тафовутлар аниқланган тақдирда, баҳоловчи бу ҳақда буюртмачига ва (ёки) ҳужжатларни тақдим этган шахсга хабар бериши ва уларга тегишли тузатишлар киритишни талаб қилиши шарт.

Буюртмачи ва (ёки) ҳужжатларни тақдим этган шахс уларни баҳоловчининг талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтиришни рад этган ёки уларга зарурий тузатишларни киритиш мумкин бўлмаган ҳолда, баҳоловчи баҳолашни амалга оширишдан бош тортиши ёки баҳолашни баҳолаш объектининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатлар ва баҳолаш объектининг ҳолати ўртасида тафовут мавжудлигини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда амалга ошириши мумкин.

### 3-§. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

20. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш:

баҳолаш объектига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни;

баҳолаш объектига оид бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини;

баҳолаш объектининг тузилиши, баҳоланаётган ҳуқуқлар таркиби ва мазкур ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш объектига оид қўшимча юкламалар ва сервитутлар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш объектидан фойдаланишга чекловларни;

баҳолаш объекти ва унинг таркибий қисмларининг техник тавсифини;

баҳолаш объекти мансуб бўлган бозорнинг ҳолати ва динамикаси ҳақидаги ахборотни;

бошқа хил ахборотни олиш ва ўрганишни ўз ичига олади.

Корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолашда корхона (эмитент) тавсифи ва ривожланиш режалари қўшимча тарзда ўрганилади.

21. Баҳолаш объектларини баҳолашда қуйидагилардан фойдаланилади:

буюртмачи ёки унинг вакилидан олинган дастлабки маълумотлардан, шунингдек баҳоловчи томонидан бухгалтерия, бирламчи ва статистик ҳисоб маълумотларидан олинган, баҳолаш объекти раҳбари (баланс сақловчи, эмитент) имзоси ва муҳр билан тасдиқланган маълумотлардан;

ишларни бажаришга жалб қилинган учинчи шахслардан олинган, уларнинг имзоси билан тасдиқланган ахборотдан;

ихтисослашган ташкилотлардан олинган (тармоққа оид, аналитик шарҳлар, фонд бозори шарҳлари), шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилинган ахборотдан;

бошқа хил (сўров, интервью натижаларига кўра ва бошқа манбалардан олинган) ахборотдан, бунда мазкур ахборотдан фойдаланиш учун жавобгарлик баҳоловчига юклатилади.

22. Қуйидагилар баҳолаш объектини баҳолашда буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этадиган дастлабки ахборот ҳисобланади:

*хусусийлаштирилаётган корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар) учун:*

юридик шахснинг амалдаги устави ёки таъсис шартномаси, акциядорлар реестридан кўчирма (реестр сақловчининг маълумотномаси);

шуъба компаниялар ҳақида ахборот, уларга оид ҳуқуқни белгиловчи ва молиявий ҳужжатлар;

охирги уч йил учун ва охирги ҳисобот санасига қадар бўлган ҳолатга кўра бухгалтерия баланслари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотлари, баланс моддаларига изоҳлар;

асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли қўйилмалар рўйхати;

5 йилдан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган корхонанинг ривожланиш режаси;

участкадаги ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг ҳудудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларга оид кадастр ҳужжатлари;

баҳолаш объектидан фойдаланишга оид қўшимча юкламалар ва чекловлар, шу жумладан узоқ муддатли ижа-

ра мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

охирги ҳисобот йили учун аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса);

*кўчмас мулк учун:*

участкадаги ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг ҳудудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари;

сервитутлар ва узоқ муддатли ижара шартномалари мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

бинолар ва иншоотлар миқдори ва техник ҳолати, кўкаламзорлар, ҳудудни ободонлаштириш ва муҳандислик коммуникациялари ҳақида ахборот;

баҳолаш объекти таркибида баҳоланиши лозим бўлган мулк ҳақида маълумотлар;

баҳоланиши лозим бўлган мулкнинг бошланғич ва қолдиқ (баланс) қийматлари;

корхона (эмитент)дан жорий фойдаланиш ҳақида ахборот;

*машиналар ва ускуналар учун:*

объектнинг тўлиқ номи: русуми, модели, серияси;

ишлаб чиқарувчи завод (фирма);

баҳоланаётган ускунани харид қилиш, ижарага олишга ёки унга нисбатан ўзга ҳуқуққа оид ҳужжатларнинг нусхалари;

ишлаб чиқарилган йил ва ишга туширилган сана;

объектнинг техник тавсифи (техник ҳужжатларга биноан);

баҳолаш объектининг техник ҳолатига оид актлар;

инвентарь рақами, баҳолаш санасидан олдин охирги ҳисобот санасига қадар бўлган ҳолатга кўра бошланғич ва қолдиқ (баланс) қийматлари;

консервация ва таъмирлаш ҳақида маълумотлар (узеллар, агрегатларни алмаштириш, такомиллаштириш);

транспорт воситаси техник паспортининг нусхаси.

23. Дастлабки ахборотдан ташқари баҳоловчи корхона фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар, баҳоланаётган корхона ва (ёки) тармоқ корхоналари акцияларининг котировкалари ва акциялар курсларининг ўзгаришлари, акциядорлар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши, акцияларнинг акциядорлар ўртасида тақсимланиши, ўхшаш мулк бўйича битимлар, ўхшаш мулкни ижарага беришнинг бозор ставкалари ҳақида қўшимча ахборотни йиғади ва таҳлил қилади.

Йиғиладиган ахборотнинг хусусияти ва ҳажмини баҳоловчи баҳолаш ҳақидаги вазифага, баҳолаш объектининг хусусиятлари ва баҳолаш натижаларининг қўлланилишига қараб белгилайди.

24. Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот ишончли ва баҳоловчи нархни белгиловчи энг муҳим омилларни аниқлаши учун етарли бўлиши лозим.

Буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ахборот (шу жумладан маълумотномалар, жадваллар, бухгалтерия баланслари), шунингдек баҳоловчининг ўзи бевосита йиққан ахборот шу ахборотни тақдим этган ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва мазкур ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолдагина ишончли деб ҳисобланади.

25. Баҳоловчи, агар тақдим этилган ахборот ҳажми ва сифати 8-сон МБМС талабларига мувофиқ баҳолашни амалга ошириш ва баҳолаш ҳақида ҳисобот тайёрлаш учун етарли бўлмаса, баҳолаш ишларини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

26. Баҳолашни ўтказиш вақтида баҳоловчи олган барча ахборот ва ҳужжатлардан махфийлик шароитида, қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилиши лозим.

Баҳоловчи баҳолаш жараёнида унга тақдим этилган барча ахборот ва ҳужжатлардан қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда махфийлик шароитида фойдаланилиши лозим.

27. Йиғилган ахборот асосида баҳоловчи баҳолаш объекти мансуб бўлган бозорнинг ва тармоқни таҳлил қилади, зарур ҳолда молиявий ҳисоботни таҳлил қилади ва унга тузатишлар киритади. Бунда, тузатилган ҳисоботдан фақат баҳолаш ҳақидаги вазифада назарда тутилган мақсадларда фойдаланилади.

### 4-§. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили

28. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили фақат баҳолашнинг алоҳида объекти ҳисобланган кўчмас мулкни баҳолаш чоғида амалга оширилади.

29. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили баҳолаш объектидан энг даромадли ва рақобатли фойдаланиш йўлини аниқлаш учун ўтказилади.

30. Мавжуд фойдаланиш шароитида (баҳолаш объектлари фаолият тури сақланган ҳолда хусусийлаштирилганда) баҳолаш объектининг қиймати аниқланган ҳолда баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили ўтказилмайди.

31. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишни аниқлаш баҳоловчи ўз таҳлилий малакаси ёрдамида чиқарган хулосалар ва амалга оширган ҳисоб-китоблар маҳсули ҳисобланади ва сўзсиз фактни эмас, балки унинг фикрини ифода этади.

32. Объектдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг вариантини аниқлашда таҳлилнинг қуйидаги мезонларидан фойдаланилади:

қонунчилик нуқтаи назаридан рухсат этилганлик — мўлжалланган фойдаланишнинг хусусияти баҳолаш объекти мулкдорининг ҳаракатларини чекловчи қонунчиликка зид бўлмаслиги лозим;

жисмоний имконият — баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш;

молиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик — объектдан фойдаланиш баҳолаш объектининг мулкдорига даромадни таъминлаши лозим;

мумкин қадар юқори даражадаги самарадорлик — энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш ё мулкдорнинг соф фойдасини мумкин қадар кўпайтиришни, ё баҳолаш объектининг энг катта қийматига эришишни назарда тутади.

### 5-§. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

33. Баҳолаш объектининг қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда баҳоловчи даромад, харажат ва қиёсий ёндашувлардан фойдаланади. Бирон-бир ёндашувни қўллаш мумкин эмаслиги ёки қўллашнинг чекланиши баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

34. У ёки бу ёндашувни қўллашда баҳоловчи 8-сон МБМСда белгиланган баҳолаш усулларининг биридан фойдаланади. Баҳолашнинг энг мақбул усулини танлаш баҳоловчининг мулоҳазаларига мувофиқ амалга оширилади ва баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг мақсади, аниқланаётган қиймат тури, баҳолаш объектининг хусусиятлари ва ахборот манбалари билан белгиланади.

35. Даромад ёндашуви баҳолаш объектининг қийматини мазкур объектдан фойдаланишдан олиш кутилаётган даромадларнинг жорий қийматини аниқлашга асосланади. Баҳолаш харидор мазкур объектни харид қилишдан олиши мумкин бўлган бўлғуси даромадларнинг прогнозига мувофиқ шакллантирилади.

36. Даромад ёндашуви доирасида тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули ёки пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади.

Даромад ёндашуви усуллари билан баҳолаш дисконтлаш ставкаси ва (ёки) капиталлаштириш ставкасидан

фойдаланишни назарда тутади.

Дисконтлаш ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг баҳолаш санасига қадар бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг (баҳолаш объектига инвестициялаш таваккалчилиги учун устамани ҳисобга олувчи) 1,5 коэффициентига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Капиталлаштириш ставкаси сифатида 2% га тенг деб олинадиган пул оқими узоқ муддатли ўсиш суръати ҳажми айириб ташланган дисконтлаш ставкаси қабул қилинади.

37. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули баҳолаш объектидан фойдаланишдан ҳар йили тенг миқдорда пул оқимларини олиш мўлжалланганда амалдаги активларни баҳолаш учун қўлланилади.

Усул баҳолаш объектидан йил давомида фойдаланишдан олинган пул оқимини капиталлаштириш ставкасидан фойдаланган ҳолда қийматга айлантиришга асосланади.

38. Пул оқимларини дисконтлаш усули пул оқимлари беқарор бўлган объектларни баҳолашда қўлланилади ва бўлғуси пул оқимлари жорий пул оқимларидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, деган фаразга асосланади.

Мазкур усул бўлғуси даромадлар прогнозини шакллантиришни, даромадларни олиш билан боғлиқ таваккалчиликка баҳо беришни ва даромадларни олиш вақтини аниқлашни назарда тутади.

Бўлғуси даромадларни аниқлашда корхона фаолиятининг кутилаётган муддати икки даврга бўлинади. Прогноз даври деб аталадиган биринчи давр учун пул тушумларининг батафсил йилма-йил прогнози тузилади. Прогноз даври тугаганидан сўнг корхона пул тушумларининг ўсиш суръатлари умуман олганда барқарор бўлиб қоладиган ва уларни олдиндан айтиш мумкин бўладиган мутаносиб ҳолатга эришиши лозимлиги (прогноздан кейинги давр) фараз қилинади.

39. Қиёсий ёндашув олди-сотди бозор нархларини ва (ёки) улар мавжуд бўлмаган ҳолда таклиф нархларини баҳолаш объектига қиёсий (ўхшаш) объектнинг тегишли тузатишларини ҳисобга олиб таққослашга асосланади.

Аналогларни танлашнинг асосий мезонлари бўлиб, баҳолаш объекти билан ўхшаш жисмоний ва иқтисодий тавсифлар, аналогнинг баҳолаш объекти билан айни бир бозор сегменти ва (ёки) тармоққа мансублиги, баҳолаш объекти ва аналогдан фойдаланишнинг ўхшашлиги ҳисобланади.

40. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашувда баҳолашда капитал бозори усули (компания-аналог усули), битимлар усули, бозорга оид таққослашлар усули, баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усули ва аналог билан тўғридан-тўғри таққослаш усули (машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари қийматини баҳолаш учун) қўлланилади.

41. Капитал бозори усули (компания-аналог усули) таққослаш учун асос сифатида бозорда вужудга келган маълум олди-сотди нархидан фойдаланишни назарда тутади. Усул асосан назоратсиз акциялар пакетларини ва улушларни баҳолаш учун қўлланилади.

42. Битимлар усули акциялар назорат пакетининг ва умуман корхонанинг нархлари ҳақидаги ахборотга асосланади. Усулдан акцияларнинг назорат пакетларини ёки корхоналарни баҳолашда фойдаланилади.

43. Бозорга оид таққослашлар усули баҳоланаётган кўчмас мулк билан жисмоний ва иқтисодий тавсифларга кўра ўхшаш бўлган кўчмас мулкни сотишга доир битимларнинг бозор нархларини ёки таклиф нархларини таҳлил қилишга асосланади. Усул «талаб ва таклиф» принципига асосланиб, мазкур принципга мувофиқ объект нархи шу жойда, шу вақтда ва шу бозорда аналогга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро алоқаси натижасида аниқланади.

44. Баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усулини қўллашда баҳолаш объекти билан илгари тузилган битимларнинг нархлари ахборот манбаи ҳисобланади. Бунда, баҳоловчи вақт омилини, шунингдек, иқтисодий муҳит ва тармоқдаги ҳолатларнинг ўзгаришларини ҳисобга олиб тузатишлар киритади.

45. Аналог билан тўғридан-тўғри таққослаш усули асосан таққослашнинг ўхшаш объектлари хусусидаги бозорга оид ахборотдан ҳамда баҳолаш объектининг аниқ нусхаларига доир ахборотдан фойдаланишга асосланади. Усул аналогларнинг нархларига уларнинг жойлашган ери ва битим санасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритишни назарда тутади.

46. Қиёсий ёндашув усулларидан фойдаланиш ўхшаш объектларнинг жисмоний ва иқтисодий тавсифлари, нархлари ва битимларнинг саналари, жойлашган ери, бажарилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турдошлиги ва ўхшаш объектларнинг бошқа тавсифлари ҳақида ахборотнинг мавжудлигини назарда тутади. Баҳоланаётган объект ўхшаш объектдан қай даражада фарқ қилса, айни шу даражада ўхшаш объект нархига у баҳолаш объекти билан айни бир тавсифга эга бўлган ҳолда қандай нархда сотилиши мумкинлигини аниқлаш учун тузатишлар киритилади.

47. Қиёсий ёндашув усуллари билан баҳолаш барча аналоглар бўйича ҳисобланадиган ва айни бир кўрсаткичга кўпайтирувчи сифатида қўлланиладиган мультипликаторлардан фойдаланишга асосланади.

48. 8-сон МБМС мақсадларида икки хил мультипликатор: оралиқли ва моментли мультипликаторлардан фойдаланилади. Қўлланилган мультипликаторни танлаш баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

49. Харажат ёндашуви жамланган эскириш ёки қилинган харажатлар (мажбуриятлар) ҳисобига қадрсизланишни ҳисобга олиб объектни тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатларни аниқлашга асосланади.

Харажат ёндашуви даромадли объектни баҳолашга нисбатан бирдан-бир ягона ёндашув сифатида қўлланишига йўл қўйилмайди.

50. Хусусийлаштирилаётган корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолашга нисбатан харажат ёндашувининг асосий усули соф активлар усулидир. Айрим ҳолларда, давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг тугатилаётган корхона мулкини (таркибий бирликларини) хусусийлаштириш тўғрисида қарори мавжуд бўлган тақдирда, хусусийлаштириш объектини баҳолашга нисбатан харажат ёндашуви қўлланилганда тугатиш қиймати усулидан фойдаланилиши мумкин.

51. Соф активлар усули қўлланилганда баҳоланаётган мулк таркибига қуйидагилар киритилади:

корхона балансидаги ва қонунчиликда белгиланган хусусийлаштириш тартиботлари доирасида ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган асосий воситалар, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, амалдаги (шу жумладан вақтинчалик капитал таъмирлашда бўлган ва модернизация қилинаётган объектлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) ва консервация қилинган, захира ёки резервдаги объектлар (ўрнатилмаган асбоб-ускуналар), ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа турдаги, шунингдек, бошқа корхоналар ва ташкилотларга фойдаланиш учун, ижарага берилган асосий воситалар;

хусусийлаштирилаётган корхона (бинолар, иншоотлар, объектлар) жойлашган ер участкаларидан (агар улар бўлса) фойдаланиш ҳуқуқи ва корхона фаолияти учун зарур бўлган ажратилган ер участкаларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ;

бошқа узоқ муддатли активлар, шу жумладан номоддий активлар;

жорий активлар;

бошқа активлар.

52. Мулкни баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қуйидагиларнинг тикланиш қиймати аниқланади:

кўчмас мулкнинг (бинолар ва иншоотларнинг) тикла-

ниш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ёки бинолар ва иншоотлар тикланиш қийматининг яхлитланган меъёрлари негизида ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг (ҳаво ва сув транспорти воситалари бундан мустасно) тикланиш қиймати алмаштириш харажатлари ёки аниқ нусхасини яратиш харажатлари негизида ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

қолган асосий воситаларнинг тиклаш қиймати уларнинг бошланғич баланс қийматини ишлаб чиқарувчи заводлар, прейскурантлар, прайс-варақлар нархларига мувофиқ бўлгунгача қайта баҳолаш ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

тугалланмаган қурилиш ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг қиймати мос равишда кўчмас мулк (бинолар ва иншоотлар) ҳамда машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини баҳолаш билан бир хил тартибда ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

б) эскириш ҳажми аниқланади:

кўчмас мулк учун — жамланган (умумий) эскириш (жисмоний, функционал ва ташқи эскириш);

машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари учун — жисмоний эскириш;

қолган асосий воситалар учун — жисмоний эскириш ёки норматив (баланс бўйича қабул қилинган) эскириш;

тугалланмаган қурилиш ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар учун эскириш ҳисобланмайди.

Бунда, баҳоловчи ҳар бир асосий восита бўйича ҳисоблаган эскириш ҳажми корхона бухгалтерияси ҳисоблаган ва корхона балансида акс эттирилган норматив эскириш ҳажмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас;

в) 10 фоиздан камроқ қолдиқ қийматга эга бўлган асосий воситалар бўйича баҳолаш чоғида уларнинг тиклаш қийматининг 10 фоизи миқдоридаги қиймати киритилади;

г) интеллектуал мулк объектлари Интеллектуал мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1953, 2009 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 241-модда) мувофиқ баҳоланади;

д) узоқ муддатли инвестициялар қийматини баҳолаш белгиланган тартибда бозор қиймати бўйича амалга оширилади;

е) товар-моддий бойликларга тегишли бўлган инвентарлар ва хўжалик буюмлари амалдаги улгуржи ёки чакана (бозор нархларидан юқори бўлмаган) нархларда ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра «ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари» гуруҳи бўйича асосий фондларни қайта баҳолашнинг ҳар йилги коэффициентини инвентарлар ва хўжалик буюмларининг баланс қийматига қўллаш йўли орқали баҳоланади;

ж) қолган узоқ муддатли ва жорий активлар қиймати, шунингдек, корхонанинг мажбуриятлари корхонанинг охирги (баҳолаш санасидаги) ҳисобот бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиқ баланс қиймати бўйича белгиланади.

Бухгалтерия баланси корхона томонидан ҳар йили бир марта тузиладиган ҳолларда ва баҳолаш санаси уни тузиш санасидан уч ойдан ортиқ муддатга ортда қолган бўлса, ҳисоб-китоблар учун асос сифатида охирги (баҳолаш санасидан олдинги) чорак якуни бўйича оралиқ баланс олинади.

53. Асосий воситалар қийматини баҳолашда уларнинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланган қиймати корхона бухгалтериясида кўрсатилган ва корхона балансида акс эттирилган баланс қолдиқ қийматидан кам бўлмаслиги керак.

54. Баҳолаш объекти корхоналарда иштирок этиш улуши (акция пакетлари, улушлар, пайлар) бўлган ҳолларда балансда сақловчи (эмитент) асосий воситалари қийматини баҳолаш юқоридагига ўхшаш тартибда амалга оширилади.

Баҳолаш объекти устав фондининг 5 фоизи миқдоридаги ва ундан камроқ бўлган, назорат қилиш ваколатини бермайдиган корхонада иштирок этиш улуши бўлса, балансда сақловчи (эмитент) барча асосий воситалари қийматини баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан баҳолашга йўл қўйилади.

### 6-§. Қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш

55. Баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш учун баҳоловчи, қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш (ўлчаш)ни амалга оширади.

56. Мувофиқлаштириш жараёнида баҳоловчи барча омиллар, шу жумладан қабул қилинган фаразлар ва чеклашлар таҳлили асосида ҳар бир ёндашувнинг афзалликлари ва камчиликлари нисбатини, баҳолашнинг якуний натижасига уларнинг таъсири даражасини турли ёндашуварни қўллашда олинган натижаларга бериладиган ўлчов коэффициентларини таҳлил қилиш йўли билан миқдор жиҳатидан акс эттириши лозим.

57. Турли хил ёндашувлар билан олинган энг катта ва энг кичик натижалар ўртасида жиддий (50 фоиздан ортиқ) тафовут мавжуд бўлган тақдирда, мазкур тафовут сабаблари таҳлил қилиниб, унинг натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва мувофиқлаштириш учун баҳоловчи фикрига кўра энг ишончли бўлган натижалар танланади.

58. Баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблашда баҳоловчининг барча мулоҳазалари ва фаразлари асосланиши лозим.

59. Баҳолашга ёндашувларни қўллаш натижалари мувофиқлаштирилганидан кейин баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган баҳолаш объектининг якуний қиймати ягона катталик сифатида ифодаланиши лозим.

### 7-§. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

60. Ёзма тарзда тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи ташкилот баҳолаш объекти қийматини аниқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объекти қийматини аниқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

61. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳолаш объектига тавсиф берилади, йиғилган ахборот, амалга оширилган таҳлил босқичлари ва ҳисоб-китоблар акс эттирилади, олинган натижалар асосланади, баҳолаш объектининг якуний қиймати, баҳолаш базасининг тасдиғи, баҳолаш мақсади, шунингдек баҳолаш натижаларини тўлиқ ва бир хилда талқин қилишни таъминловчи барча фаразлар ва чекловчи шартлар кўрсатилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган даст-

лабки маълумотлар таркиби ва амалга оширилган баҳолаш жараёнини баён этишнинг кетма-кетлиги баҳолаш объекти қийматини ҳисоблашни тўлиқ акс эттириш имконини бериши ва ўхшаш натижаларга олиб келиши лозим.

62. Ҳисобот фақат баҳолаш жараёнида ҳисоблаш ва таҳлил қилишда фойдаланилган ахборот ва маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган, баҳолашни амалга ошириш чоғида фойдаланилган ёки ҳисоблашлар натижасида олинган ахборотга ахборот манбаига ишора қилиш йўли билан изоҳ берилиши лозим.

63. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);

қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рўйхати;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган манбалар рўйхати;

иловалар.

64. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот рақамланган ва баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан саҳифама-саҳифа имзоланган, тикилган, шунингдек баҳолаш буюртмачиси шартнома тузган баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

65. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловада баҳоловчи фойдаланган ва баҳолаш объектининг миқдор ва сифат тавсифларини белгиловчи ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек, техник инвентаризация ҳужжатлари ва бошқа зарур ҳужжатлар келтирилиши лозим. Агар бу баҳолаш ҳақидаги вазифада белгиланган бўлса, баҳолаш объектининг унинг баҳолаш санасидаги жорий ҳолатини акс эттирувчи фотосуратлари мавжудлиги мажбурийдир.

Иловада баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг нусхалари ҳам келтирилиши лозим.

66. Баҳоловчи ташкилот баҳолашнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган натижалари учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Баҳоловчи ташкилот кўрилган зарарлар ёки баҳолаш объектининг суд томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган қиймат ҳаққоний эмас деб топилганлиги учун, агар улар баҳолаш буюртмачиси ёки учинчи шахслар томонидан ишончсиз ахборот берилиши оқибатида вужудга келган бўлса, жавобгар бўлмайди.

### VI-БОБ. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

67. Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботдан фойдаланувчилар баҳолаш жараёни мантиқини ва баҳолаш объектининг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи кўрган чораларни тушуна олсинлар.

68. Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

69. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда барча фаразлар ва чекловчи шартларнинг моҳияти, шунингдек, ахборотни ошкор этишга қўйиладиган ҳар қандай талаблар очиб берилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга мазкур стандартга ва қабул қилинган бошқа мулкни баҳолаш стандартларига риоя қилинганлиги ҳақидаги баёнот киритилиши, стандартларнинг талабларидан ҳар қандай четга чиқиш кўрсатилиши ва бундай четга чиқишга изоҳ берилиши лозим.

70. Баҳолаш объектининг 8-сон МБМС талабларига мувофиқ тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган якуний қийматидан, агар баҳолаш ҳақидаги ҳисобот тузилган санадан баҳолаш объектини хусусийлаштириш мақсадида унинг бошланғич нархи тайинланган санагача 6 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, хусусийлаштириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Баҳолаш ўтган (баҳолашни амалга ошириш санасига мос келмайдиган) санага қадар бўлган ҳолатга кўра амалга оширилган тақдирда, баҳолаш объектининг қиймати ҳақидаги хулоса баҳолаш амалга оширилган санадагина ҳақиқий бўлади.

### VII-БОБ. СТАНДАРТДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ШАРТЛАРИ

71. Меъёрий қоидалар ёки давлат мулкини тасарруф этувчиларнинг қарорлари баҳоловчига 8-сон МБМС талабларига тўлиқ ёки қисман риоя қилиш имкониятини бермаса, баҳоловчи қийматни аниқлаш бўйича мос келувчи ҳисоблашларни ва тегишли баҳолаш тартиботларини қўллаши лозим. Бунда, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботда аниқланиши лозим бўлган қийматни кўрсатиш билан бир қаторда 8-сон МБМС талабларидан четга чиқиш сабаблари далиллар билан асосланиши лозим.

*ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ,*
*БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ПОЧТА АЛОҚАСИ ОПЕРАТОРЛАРИ, ПРОВАЙДЕРЛАРИ УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 45-сон, 490-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 4-сон, 139-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–331-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 19-сон, 220-модда) мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахбо-

***2009 йил 13 ноябрдан кучга киради.***

ротлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ.***
*10-8/4270-сон*

***Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи З.ДЎСАНОВ.***
*33-09-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.*

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 3-09-сон қарорига ИЛОВА*

## ПОЧТА АЛОҚАСИ ОПЕРАТОРЛАРИ, ПРОВАЙДЕРЛАРИ УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ

**(Кўчирма*)**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 43-сон, 451-модда) мувофиқ пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш (топшириш)да почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

### II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4. Почта алоқасининг операторлари, провайдерлари ички назоратни ташкил этиш, мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун таркибий бўлинмани шакллантириш ёки масъул шахсларни белгилашга жавобгар бўладилар.

Мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахсларга тақдим этиладиган малака талаблари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

5. Ички назорат тизими почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, фойдаланувчилар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

### III. ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ

12. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидаги ҳолларда фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш чораларини кўрадилар:

пул ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматларни кўрсатишда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳалар мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигига шубҳа мавжуд бўлганда.

13. Фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш хизматлар кўрсатишнинг барча босқичларида амалга оширилиши шарт.

Фойдаланувчини ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

14. Фойдаланувчининг операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқ билан бир ёки бир неча маротаба мурожаат қилганда почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидагиларни бажаришга мажбур:

мазкур Қоидалар ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ операция бўйича фойдаланувчини ёки наф олувчини идентификациялаш;

фойдаланувчининг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операциянинг турини ва унинг фойдаланувчи – юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фаолияти мақсади ва турларига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фойдаланувчи – жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш.

15. Фойдаланувчи – жисмоний шахсни идентификациялаш шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади.

***Илова берилмайди. Илованинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда ва www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

16. Фойдаланувчи – юридик шахсни идентификациялашда зарур ҳолларда почта алоқаси операторлари, провайдерлари давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари керак.

17. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчи томонидан тақдим этиладиган ахборотни:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олинган фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш;

фойдаланувчининг почта алоқасининг бошқа операторлари, провайдерлари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш орқали текширишга ҳақли.

18. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида почта алоқаси операторлари, провайдерлари бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, фойдаланувчи мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва мумкин бўлган чора-тадбирларни қўллаши лозим.

19. Почта алоқаси оператори, провайдери фойдаланувчилар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини беради.

## IV. ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

20. Пул маблағларини қабул қилиш, ўтказиш ва тўлаш бўйича операция қуйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан ишонч билдирувчи шахс (агар фойдаланувчи ишончли вакил сифатида иштирок этса) тўғрисидаги маълумотларнинг фойдаланувчи томонидан тақдим этилишининг асоссиз рад этилиши (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлардан ташқари);

фойдаланувчининг амалга ошириладиган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

операцияни амалга оширишда фойдаланувчи талаби билан қилинаётган асосланмаган шошма-шошарлик;

амалга оширишнинг мақсади қонун ҳужжатларида ўрнатилган назорат жараёнлари бош тортиш деб тахмин қилишга асос бўладиган операцияларнинг кўп маротаба бажарилишини аниқлаш;

агар фойдаланувчи бир ёки 30 календарь куни давомида умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган суммадан ошадиган пул ўтказмаларини жўнатса ёки олса;

агар фойдаланувчи чалкаш ёки ғайриоддий характерга эга бўлган пул ўтказмаларини жўнатаётган ёки олаётган бўлса (умумий суммасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир ёки 30 календарь куни давомида 10 ва ундан ортиқ пул ўтказмаларини турли манзиллар бўйича жўнатиш);

агар пул ўтказмасини қандайдир сабабларга кўра адресатга ёки жўнатувчига топширишнинг имконияти бўлмаса;

агар фойдаланувчи – юридик шахс ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пул маблағлари билан ўтказишни талаб қилса;

агар фойдаланувчи ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

операцияларни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари жиноий келиб чиқишга эгалиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳаларнинг мавжудлиги.

21. Операциянинг шубҳали деб топилиши ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидаларда ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, фойдаланувчининг шахси, пул ўтказмасининг мақсадлари ва миқдори билан ҳамда шубҳали операцияларни тўғри аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

22. Пул ўтказмалари билан бажариладиган ҳар қандай операция, бу операциянинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, почта алоқаси оператори, провайдери тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришади.

23. Фойдаланувчи операцияси шубҳали деб топилганидан кейин мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс фойдаланувчига нисбатан кўриладиган кейинги ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилади, шу жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар қилиш;

фойдаланувчи билан боғлиқ операцияларни ўтказишга алоҳида эътиборни қаратиш зарурлиги;

қонун ҳужжатларига ёки фойдаланувчи билан тузилган шартномага мувофиқ у билан муносабатларни тўхтатиш.

24. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан Демартаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияга нисбатан ҳар бир хабар тўғрисидаги ахборот мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус дафтарга киритилади.

25. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари, шунингдек, тегишли операцияга нисбатан шубҳаларни тасдиқлаши ёки олиб ташловчи ҳар қандай ахборотни дарҳол Департаментга хабар бериши зарур.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ*

# ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛ ВА ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 45-сон, 492-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи***
***З.ДЎСАНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 13 октябрь*
*36-сон.*

***2009 йил 13 ноябрдан кучга киради.***

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғига*
*ИЛОВА*

## ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛ ВА ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ
**(Кўчирма**)**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сонли «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

### III. МИЖОЗЛАРНИНГ ТЕГИШЛИ ТЕКШИРУВИ

11. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар олди-сотди битимлар бўйича хизматлар кўрсатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа юзага келганида;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳа туғилганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар сотувчиси ва олувчисига нисбатан бирдек амалга оширилиши керак.

12. Мижозларни лозим даражада текшириш, қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш пайтидаги барча босқичларида олиб борилиши лозим.

### IV. ХАБАР ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

18. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операция қуйидаги аломатлар мавжуд бўлганда шубҳали деб топилиши мумкин:

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба харид қилиш, агар унинг умумий суммаси харид қилиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ микдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктига сотиш, агар унинг умумий суммаси топшириш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига

***Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба таркибида қимматбаҳо металлар ва аффинланган қимматбаҳо металлар мавжуд бўлган чиқиндиларни ҳамда парчаларни қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктига сотиш, агар унинг умумий суммаси сотиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни қабул қилиш пунктидан жисмоний ёки юридик шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба харид қилиш, агар унинг умумий суммаси харид қилиш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

жисмоний шахс томонидан қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларни бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба воситачиликка топшириш, агар унинг умумий суммаси топшириш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларни ишлаб чиқариш учун бир марта ёки 3 ой давомида бир неча маротаба буюртма бериш, агар унинг умумий суммаси буюртма бериш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган барча ҳолатларда.

19. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

20. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

терроршилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан операцияларни амалга оширувчи шахслар тўхтатилган операцияни амалга оширишга киришади.

21. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, масъул шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатларига ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

22. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақида ахборот масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

23. Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга кечиктирмай топширишлари зарур.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

# БИРЖА АЪЗОЛАРИ УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 46-сон, 501-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 171-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

***2009 йил 16 ноябрдан кучга киради.**

1. Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг раиси Д.МУСАЕВ.***
*01/19-18/24-сон*

***Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи З.ДЎСАНОВ.***
*43-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## БИРЖА АЪЗОЛАРИ УЧУН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ
**(Кўчирма*)**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 171-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ биржа аъзолари (фонд биржаларининг ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари аъзолари бундан мустасно) томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби белгиланди.

### IV. ТАВАККАЛЧИЛИК ХАВФИ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

25. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, биржа аъзоси мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишини баҳолаши ва тегишли (юқори ёки паст) таваккалчилик хавфи даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда – таваккалчилик хавфи даражаси).

26. Таваккалчилик хавфининг юқори даражаси тоифасига биржа аъзоси юқори эътибор қаратиши лозим бўлган аввалдан қуйидаги мезонларга эга бўлган мижозларни келтириш мумкин:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорат остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда (ҳудудда) ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

оффшор зонада ҳисоб рақамларига эга бўлган резидентлар ва норезидентлар;

ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

ҳақиқий эгаси ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар бўлган ташкилотлар;

мунтазам равишда (кетма-кет уч ой мобайнида икки мартадан ортиқ) шубҳали операцияларни амалга ошираётган мижозлар.

27. Таваккалчилик хавфининг юқори даражасини белгилашда биржа аъзоси мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўриши ва доимий равишда улар томонидан содир этилаётган операцияларнинг мониторингини амалга ошириши шарт.

28. Агар мижозлар билан ҳамкорлик юқори даражадаги таваккалчилик хавфи билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бундай мижозлар паст даражадаги таваккалчилик хавфи тоифасига киритилади.

29. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, биржа аъзоси зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб бориши лозим.

### V. ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

30. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

биржа операцияси бўйича оддий амалиётдан фарқ қиладиган ушбу мижоз томонидан қўлланадиган ёки оддий биржа амалиётидаги ҳисоб-китобларни олиб бориш

**Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.*

тартиби бўйича ностандарт ёки мураккаб қоидаларнинг мавжуд бўлиши;

мижознинг бекор қилинган биржа битимлари бўйича ўз маблағларини учинчи шахсларга ёки норезидент-банклардаги ҳисоб рақамларига қайтаришни таклиф қилиши;

мижоз томонидан ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этилишининг узрсиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган ахборотнинг тақдим этилиши, ёхуд ушбу текширув жуда ҳам қиммат бўлса;

мижознинг биржада содир этилаётган битимнинг махфийлиги масалаларига нисбатан ортиқча ташвишланиши;

биржада мижоз талаб қилаётган муайян операцияни ўтказишдаги асоссиз шошма-шошарлик;

агарда мижоз томонидан нақд шаклда қўйилган сумма бир ёки ўттиз кун мобайнида энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробарига тенг миқдоридан ошиб кетса;

мижозлар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдоридан ортиқ бўлган бир марталик олди-сотди бўйича операцияларнинг нақд пул маблағларида тўлаш орқали содир этилиши;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасида биржаларнинг ҳисоб-китоб-клиринг палаталаридаги Фойдаланувчиларнинг шахсий рақамларида (бундан кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) жамланган пул маблағларидан бошқанинг фойдасига воз кечиш бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараварига тенг миқдоридаги суммадан ошган операцияларнинг ўтказилиши, бир марталик ўтказилган операциялар каби уч ой мобайнида ўтказилган бир нечта операциялар ҳам;

оффшор ҳудудларда ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатларда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар учун ФШР очишга топшириқнома берилиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет эл ташкилотларининг ишончномалари бўйича ФШР очишга топшириқнома берилиши;

энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баробари миқдоридан юқори бўлган суммада хизматлар кўрсатиш ёки ишлар бажариш бўйича биржа битимларининг тузилиши;

амалга оширилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган барча ҳолатларда.

31. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, амалий иш муносабатларининг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

32. Ҳар қандай биржа операциялари, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, биржа аъзоси томонидан Департаментни хабардор қилиши лозим.

Бундай ҳолларда биржа аъзоси бундай операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдир. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан биржа аъзоси тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

33. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилганда биржа аъзоси мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операциялар тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

34. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар биржа аъзоси томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаклда берилади.

Шубҳали операцияга тааллуқли ҳар бир ахборот ҳақида масъул шахс томонидан қоғоз ва (ёки) электрон кўринишда юритиладиган махсус журналда қайд этилади.

35. Биржа аъзоси, шунингдек, тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки шубҳани олиб ташловчи ҳар қандай маълумот тўғрисида дарҳол Департаментга хабар бериши зарур.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ ҲАР ЙИЛИ ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 47-сон, 512-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 22 – 24-сон, 159-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129 ва 2002-86-сонли қарори билан тасдиқланган 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1192, 4 декабрь 2002 йил) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 23-24-сон) иловага

***2009 йил 29 ноябрдан кучга киради.***

мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*Иқтисодиёт вазири*
*С.БЕКЕНОВ.*
*90-сон*

*Молия вазири*
*Р.АЗИМОВ.*
*98-сон*

*Давлат солиқ қўмитаси раиси*
*Б.ПАРПИЕВ.*
*2009-30-сон*

*Давлат статистика қўмитаси раиси*
*Ғ.ҚУДРАТОВ.*
*2-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 20 октябрь.*

*ЎзР ИВ, МВ, ДСҚ ва Давстатқўмнинг 2009 йил 20 октябрдаги*
*90, 98, 2009-30, 2-сон қарорига ИЛОВА*

## 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ ҲАР ЙИЛЛИК ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР*

1. 1-бандда:

а) «а» кичик бандидан «ўзининг» сўзи чиқариб ташлансин;

б) «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) молиявий ижара шартномаси бўйича, шунингдек лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.».

2. 4-бандда:

а) биринчи хатбошида «узоқ муддатли ижарада (лизингда)» сўзлари «молиявий ижара шартномаси бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбошида «харид қилиш» сўзлари «ҳисобга қабул қилинган» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) учинчи хатбоши «қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда хусусийлаштирилган ер участкаларидан ташқари» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Асосий фондлар объектларини қайта баҳолаш натижаси хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий фондлар объектларини қўшимча баҳолаш суммасига:

асосий воситаларни (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни (0300), капитал қўйилмаларни (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни (0700) ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебети – асосий фондлар объектларининг дастлабки (тиклаш) қийматини қўшимча баҳолаш суммасига;

асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0200) кредити – асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамғарилган эскиришини қўшимча баҳолаш суммасига;

8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи кредити – асосий фондлар объектининг дастлабки (тиклаш) қийматини ва унинг жамғарилган эскиришини қўшимча баҳолаш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига;

б) асосий фондлар объектлари нархини тушириш суммасига:

асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар (0200) дебети – асосий воситаларнинг, шунингдек молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамғарилган эскириши нархини тушириш суммасига;

8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағи дебети – илгари қайта баҳоланган асосий фондлар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси ёки асосий фондлар ушбу объектини бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг ушбу объектнинг нархини бундан аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошиши суммаси доирасида нархни тушириш суммасига;

9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи дебети – ушбу объект нархини туширишнинг илгари қайта баҳоланган асосий фондлар мазкур объектини қўшимча баҳолаш суммасидан ёки асосий фондлар ушбу объектини бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммаларининг ушбу объектнинг нархини бундан аввалги арзонлаштиришлар суммасидан ошган суммасидан ошиш суммасига (яъни нархни тушириш суммасининг асосий фондларнинг мазкур объекти бўйича 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган қолдиқ суммасидан ошиши);

асосий воситаларни (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни (0300), капитал қўйилмаларни (0800), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни (0700) ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредити – асосий фондлар объектларининг дастлабки (тиклаш) қиймати нархини тушириш суммасига.».

4. 11-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Бюджет ташкилотларида тугалланмаган қурилиш объектлари ва бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган (қурилаётган) ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг дастлабки (тиклаш) қийматини қўшимча баҳолаш (нархини тушириш) қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

а) қўшимча баҳолаш суммасига:

«Капитал қўйилмаларга бюджет харажатлари» («Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар») илова ҳисобварағи дебети;

«Мол-мулкнинг нархини тушириш» илова ҳисобварағи кредити – аввалги нархни туширишлар суммалари доирасида (дебет қолдиғи доирасида);

«Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари» илова ҳисобварағи кредити – қўшимча баҳолашнинг бундан аввалги нархни туширишлар суммасида ошиш суммасига ва (ёки) қўшимча баҳолаш суммасига;

б) нархни тушириш суммасига:

«Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари» илова ҳисоб-

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

вараги дебети – бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммалари доирасида (кредит қолдиғи доирасида);

«Мол-мулкнинг нархини тушириш» илова ҳисобварағи дебети – нархни туширишнинг бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммасидан ошиш суммасига ва (ёки) нархни тушириш суммасига;

«Капитал қўйилмаларга бюджет харажатлари» («Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар») илова ҳисобварағи кредити.».

6. Қуйидаги мазмундаги 13[1] ва 13[2]-бандлар билан тўлдирилсин:

«13[1]. Бюджет ташкилотларида тугалланмаган қурилиш объектлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига харид қилинган (қурилаётган) ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг дастлабки (тиклаш) қийматини қўшимча баҳолаш (нархини тушириш) қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

а) қўшимча баҳолаш суммасига:

«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига капитал қўйилмалар харажатлари» («Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар») илова ҳисобварағи дебети;

«Мол-мулкнинг нархини тушириш» илова ҳисобварағи кредити – бундан аввалги нархни туширишлар суммалари доирасида (дебет қолдиғи доирасида);

«Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари» илова ҳисобварағи кредити – қўшимча баҳолашнинг бундан аввалги нархни туширишлар суммасидан ошиш суммасига ва (ёки) қўшимча баҳолаш суммасига;

б) нархни тушириш суммасига:

«Мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари» илова ҳисобварағи дебети – бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммалари доирасида (кредит қолдиғи доирасида);

«Мол-мулкнинг нархини тушириш» илова ҳисобварағи дебети – нархни туширишнинг бундан аввалги қўшимча баҳолашлар суммасидан ошиш суммасига ва (ёки) нархни тушириш суммасига;

«Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига капитал қўйилмалар харажатлари» («Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар») илова ҳисобварағи кредити.

13[2]. Тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қийматини қўшимча баҳолаш натижалари бюджет ташкилотининг даврий бухгалтерия ҳисоботларига илова қилинадиган тушунтириш хатида очиб берилиб, харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида ҳисоботда (2-шакл), Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг даромад ва харажатлари тўғрисида ҳисоботда (2 – РЖ-шакл), Тиббий ташкилотларни моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг даромад ва харажатлари тўғрисида ҳисоботда (2 – ТММРРЖ-шакл) ҳамда Махсус бюджетдан ташқари маблағлар жамғармасининг даромад ва харажатлари тўғрисида ҳисоботда (2 – БММЖ-шакл) акс эттирилмайди.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДАН 13 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги 12, 97, 60-ҚҚ-сонли қарори.*

***2009 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2029 (2009 йил 12 ноябрдан кучга киради).***

2. «Лизинг хизматларини кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли буйруғи.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

3. «Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 35-сонли буйруғи.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2031 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/4-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-2 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

5. «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/5-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-2 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/6-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 534-1 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

7. «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

8. «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

9. «Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар

учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 36-сонли буйруғи.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

10. «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 102, 42-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2035 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

11. «Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сонли қарори.*

***2009 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2036 (2009 йил 13 ноябрдан кучга киради).***

12. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 103, 40-сонли қарори.*

***2009 йил 5 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2037 (2009 йил 15 ноябрдан кучга киради).***

13. «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли қарори.*

***2009 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038 (2009 йил 16 ноябрдан кучга киради).***

14. «Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2009 йил 28 сентябрдаги 39, 43, 335, 83, 94, 4-П-сонли қарори.*

***2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2039 (2009 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

15. «Хорижий инвесторларга технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш эвазига хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/22-сонли қарори.*

***2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 569-1 (2009 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

16. «Хорижий инвесторлар харид қиладиган акциялар пакетлари ва объектлар учун ҳақ тўлаш шакллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор ҳамда унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/21-сонли қарори.*

***2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1030-2 (2009 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

17. «Давлат активларини номинал баҳосидан паст нархда сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01/23-18/23, 101, 86-сонли қарори.*

***2009 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1255-2 (2009 йил 21 ноябрдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Хорижий инвесторларга технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш эвазига хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 569, 1998 йил 18 декабрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 11 ноябрдаги 257-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Хорижий инвесторлар харид қиладиган акциялар пакетлари ва объектлар учун ҳақ тўлаш шакллари тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1030, 2001 йил 1 май), (рўйхат рақами 1030-1, 2002 йил 4 ноябрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 11 ноябрдаги 258-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Давлат активларини номинал баҳосидан паст нархда сотиш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1255, 2003 йил 16 июль), (рўйхат рақами 1255-1, 2003 йил 1 ноябрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 11 ноябрдаги 259-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

# ХОДИМ ИШГА ЧИҚМАДИ...

***Ходим бир неча кундан бери ишга чиқмайди, телефон қўнғироқлари ва хатларга жавоб бермайди. Ходим ишга чиққанида унга нисбатан қандай чораларни қўллаш мумкин? Агар у ишга чиқмаса, нима қилиш керак?***

Ходимнинг иш вақтида иш жойида бўлмаслиги меҳнат интизомини бузиш ҳисобланади, бунинг учун иш берувчи унга нисбатан Меҳнат кодексининг *(бундан кейин – МК)* 181-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш – ҳайфсан эълон қилиш, жарима солиш ёки у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Интизомий жазонинг бошқа турларини қўллаш тақиқланади.

Тегишли жазони қонунга мувофиқ қўллаш учун ходим ишга қайтгунига қадар ва қайтиб келганидан кейин бир қатор шартларга риоя қилиш муҳимдир.

*МК 182-моддасининг учинчи қисмига кўра интизомий жазони қўлланишда иш берувчи содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атворини ҳисобга олади. Суд ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишини, жумладан, ножўя хатти-ҳаракат ҳақиқатдан ҳам содир этилган, аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси, хатти-ҳаракат содир этилган ҳолатлар, ходимнинг олдинги хулқ-атворини ва унинг ишга бўлган муносабати ҳисобга олинмаган ҳолда бекор қилинган деган хулосага келган тақдирда ҳам ғайриқонуний деб топишга ҳақли (Олий суд Пленуми қарори 30-бандининг бешинчи хатбошиси).*

## ХОДИМ ҚАЙТИБ КЕЛГУНИЧА

Иш вақтидан фойдаланиш ҳисобини юритиш, меҳнат режимига риоя этилишини назорат қилиш, иш ҳақи ҳисоб-китоблари ва корхонанинг меҳнат харажатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун меҳнат бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг асосий шакли ҳисобланган Т-12 шакли бўйича иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби табели тўлдирилади *(Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича йўриқнома, МИСВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 30 июлда 788-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома)*. Табелчи (табелни юритувчи шахс) ходимларнинг ишга ўз вақтида чиқиши, уларнинг иш жойида бўлиши устидан ҳар кунлик назоратни амалга оширади ва табелга тегишли белгилар қўяди. Йўриқноманинг 1.6-бандига кўра ишга чиқмаганлик сабаблари тўғрисидаги табелдаги белгилар фақатгина тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида қўйилиши керак. Шу боис табелга ходимнинг ишга чиқмаганлиги ҳақида белги қўйиш учун табелчи томонидан тузилган ва бир нечта ходим (гувоҳ) имзолаган, унинг иш жойида йўқлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш лозим. Далолатнома ва табелда ходимнинг ишда йўқлиги сабаби маълум эмаслигини кўрсатиш зарур. Кейин ишга келмаслик сабабини аниқлаш чораларини кўриш – унга қўнғироқ қилиш ва иш жойида бўлмаганликка ёзма тушунтириш бериш илтимос қилинган хатлар ёзиш лозим. Бундай хатларни билдирувнома билан жўнатиш тавсия қилинади – билдирувнома билан бирга варақа қайтарилган тақдирда ходим ёки унинг қариндошлари ходимнинг шахсий варақасида кўрсатилган манзилда яшаши маълум бўлади. Агар хатнинг ўзи қайтиб келса, бу ҳол унинг ана шу манзилда яшамаслигига яна бир далил бўлади.

## АГАР ХОДИМ ИШГА ҚАЙТСА

МК 182-моддасининг иккинчи қисмига кўра айбдор ходимга нисбатан тегишли чораларни тўғри қабул қилиш учун албатта ходимдан келмаслик сабаби тўғрисида ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходим тушунтириш хати беришдан бош тортган тақдирда тушунтириш беришдан бош тортилгани тўғрисида далолатнома тузилиши керак. Бундай бош тортиш унинг содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Жаримани қўллаш ёки ҳайфсан эълон қилиш учун иш берувчи интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш ёки қарор) чиқариши керак, у ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади *(МК 182-моддасининг 7-қисми)*. Шуни эътиборда тутиш лозимки, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима қўлланилади *(МК 181-моддаси биринчи қисмининг 2-банди)*. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга муайян вақт мобайнида узрли сабабларсиз иш жойида бўлмаганлиги учун катта миқдорда, бироқ ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши мумкинлиги назарда тутилиши мумкин. Интизомий жазо кўриб чиқилаётган ҳолда ходимнинг узрли сабабларсиз ишга келмаганлиги аниқланган кундан бошлаб узоғи билан 1 ой ичида, унинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, ушбу хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин *(МК 182-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмлари)*.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш – прогулчини ишдан бўшатиш иш берувчи учун қийинроқ кечади. МК 100-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи бандида иш берувчига ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун ходимни ишдан бўшатиш ҳуқуқи берилган. Шу боис ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бузиши қўпол тусда бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш керак бўлади. Бу ҳар бир аниқ ҳолда содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлиги ва олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган оқибатлардан келиб чиқиб ҳал қилинади. Ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол бузишлар рўйхати[1] одатда у келтириладиган ички меҳнат тартиби қоидалари[2] билан белгиланади. Бунда ходимнинг ишда узрли сабабларсиз қанча вақт бўлмаганлиги (3 соатдан кўп, бутун бир иш куни ва ҳоказо) прогул деб тан олиниши[3] ҳам кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, қандай ҳолларда ходим узрли сабабларсиз ишда бўлмаслиги ишга чиқмаслик деб эътироф этилишини тавсифлаш лозим.

Прогул учун ишдан бўшатаётганда юқорида баён этилган интизомий жазони қўллаш тартибига риоя қилиш, яъни аввал тушунтириш хатини талаб қилиш, буйруқ чиқариш ва ходимни у билан таништириб, тилхат олиш лозим. Меҳнат шартномаси бекор қилинганида иш берувчи ўзининг танловига кўра ходимни шартнома бекор қилинишидан 3 кун олдин хабардор қилади ёки уни дарҳол бекор қилиб, 3 кунга компенсация тўлайди. Агар локал ҳужжатларда касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи билан келишиш белгиланган бўлса, олдиндан унинг розилигини олиш керак.

Олий суд Пленуми қарорининг 29-бандига мувофиқ бошқа ишга ғайриқонуний тарзда ўтказилган ходимнинг ишни бажаришдан, янги меҳнат шартларида ишни давом эттиришдан бош тортиши; қонун ҳужжатларига кўра, иш берувчининг фақат ходимнинг розилигига мувофиқ чиқарилиши мумкин бўлган фармойишини бажармаслик; ходимнинг уни меҳнат таътилидан чақириб олиш ёки таътилни бошқа муддатга ўтказиш, иш вақтидан ташқари ишларни бажариш; ҳомиладор аёллар ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзандлари (ўн олти ёшгача бўлган ногирон фарзандлари) бўлган аёлларнинг тунги, дам олиш кунлари ишлаши, хизмат сафарига юборилиши, дам олиш кунлари ва бошқа вақтларда ишлаши ҳақидаги иш берувчининг талабини бажаришдан бош тортиши; ногироннинг тунги вақтда ёки дам олиш кунларида ишлашдан бош тортиши ва бошқа ҳолатлар меҳнат мажбуриятларини бузиш ва тегишинча прогул деб ҳисобланмайди ва интизомий жазо қўлланиши учун асос бўлмайди.

*Ходимнинг иш вақтида корхона ҳудудидан ёки унга берилган вазифани бажариши лозим бўлган объект ҳудудидан ташқарида бўлиши иш жойида бўлмаслик деб тушунилади. Шунга кўра, ишда ҳар қандай бўлмаслик эмас, балки фақатгина узрсиз сабаблар билан иш жойида бўлмаслик прогул деб ҳисобланиши мумкинлигини инобатга олиб, иш берувчи ходимнинг иш жойида бўлмаганлигининг ҳақиқий сабабларини аниқлаши лозим.*

*Ходим иш жойида ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган муддатда иш вақтида узрсиз сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда ҳам прогулга йўл қўйганлиги сабабли меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келади.*

*Бундай ҳолларга:*

*– иш берувчининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан таътилга кетиш ёхуд ўзбошимчалик билан дам олиш кунлари (отгул)дан фойдаланиш;*

*– иш берувчини огоҳлантирмасдан ишни ташлаб кетиш, шунингдек ходимнинг ташаббусига кўра иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида икки ҳафта олдин ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган бошқа муддат ўтмасдан ишни ташлаб кетиш;*

*– иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишида қонун билан ёки тарафлар келишувига кўра белгиланган огоҳлантириш муддати тугамасдан ишни ташлаб кетиш оқибатида иш жойида бўлмасликлар киради (Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 36-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари, бундан кейин – Олий суд Пленумининг қарори).*

## ИШГА ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ

Ходим ишга қайтиб келмасликка қарор қилган ёки дом-дараксиз кетган ҳоллар ҳам юз бериши мумкин. Бундай ҳолда прогул учун ишдан бўшатиш жуда қийин – зеро ишдан бўшатиш учун ундан тушунтириш хатини талаб қилиш ва унинг ишга чиқмаслик сабабини аниқлаш лозим.

Агар назарияга амал қилинса, иш берувчи ходимни сабабларини аниқламасдан вақтинча иш жойида йўқ деб тан олиши керак. Вақтинча ишда бўлмаслик мақомини кадрлар хизмати томонидан тузилган ходимнинг сабаблари аниқланмаган ҳолда ишда бўлмаслиги тўғрисидаги далолатномалари ёки фуқаро дом-дараксиз кетганлигини тан олиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори асосида директор буйруғи билан расмийлаштириш мумкин. Иш жойида бўлмаган ходим лавозимига янги ходим қабул қилиш ва у билан асосий ходим ишда бўлмаган вақтга (унинг иш жойи сақланади) шартнома тузилиши мумкин. Иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади *(МК 105-моддасининг учинчи қисми)*. Ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади *(МКнинг 160-моддаси)*. Ишда бўлмаган ходимнинг вафот этганлиги аниқланган ёки суд томонидан фуқаро вафот этганлигини тан олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган[4] тақдирда меҳнат муносабатлари бекор қилинишини расмийлаштириш мумкин *(МК 106-моддасининг 5-банди)*. Бироқ амалиётда ушбу усул кадрлар хизмати ва бухгалтерия учун жуда ноқулай, уни деярли амалга ошириб бўлмайди – зеро бунда ходимни жуда узоқ вақт кутиш мумкин. Одатда иш берувчи оқилона кутиш муддати (масалан, 2 ҳафта) тугаганидан кейин МК 100-моддасининг иккинчи қисми бўйича у билан меҳнат шартномасини бекор қилади, яъни ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш кўринишида ходимга нисбатан интизомий жазо қўллайди. Ушбу ҳал қилув қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш анча мушкул, зеро, МК 182-моддасининг иккинчи қисмига кўра, интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Агар уни олиш мумкин бўлмаса, иш берувчининг ходим билан алоқа боғлашга бўлган барча уринишларига қарамай, иш берувчининг хатига жавоб йўқлигини тушунтириш беришдан бош тортиш деб баҳолаш мумкин.

Бироқ Олий суд Пленуми қарорининг 36-бандига мувофиқ ишда ҳар қандай эмас, балки фақат узрли сабабларсиз бўлмаслик прогул деб тан олиниши мумкин. Бизнинг ҳолатда ишда бўлмаслик сабабини аниқлаш мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида узрсиз сабабларга нималар кириши белгиланмаганлиги боис, иш берувчи буларни ўзи ходимнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб белгилайди, у ходимнинг ишда бўлмаслик сабаблари тўғрисида хабар қилмаслиги, прогулчининг унга юборилган хатларни назарга илмаслиги, охирги иш кунида ўзини яхши ҳис қилишини иш жойида узоқ муддат бўлмаслиги сабабларининг узрсизлиги далиллари деб топади. Ва охиргиси: ходимни интизомий жазо чораларини қўллаш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш, унинг нусхасини эса ходимга анкета ёки меҳнат шартномасида кўрсатилган, унинг охирги маълум яшаш жойи манзилига буюртма хат билан юбориш керак. Меҳнат шартномасини юқорида кўрсатилган асос бўйича бекор қилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасини олишга қайтишини кутиш ва уни сақлаш қолади, зеро иш берувчи бунинг учун жавобгар шахсдир. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(Меҳнат вазирлиги ва ИТВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **5.2-бандига мувофиқ,** ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида олмаган тақдирда, улар ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхона ходимлар бўлимида икки йил давомида сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари корхона архивида 50 йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнггина белгиланган тартибда йўқотилиб юборилиши мумкин.

## ИШ БЕРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Агар интизомий жазо таомилига риоя этилмаса, бу ҳол меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади, бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима кўринишида жавобгарлик назарда тутилган *(МЖТКнинг 49-моддаси)*.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Юқорида айтилганлардан кўринадики, қонун ҳужжатларида иш берувчи билан иш жойида бўлмаган ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида камчилик мавжуд:

1) иш берувчи тегишли чоралар кўришдан аввал ишда бўлмаган ходимни кутиши мумкин бўлган муддатлар белгиланмаган;

2) ходим ишда узоқ вақт бўлмаган тақдирда унинг ҳаракатлари алгоритми белгиланмаган (ишда бўлмаганлик тўғрисида ҳар куни далолатномалар тузиш, иш вақтини ҳисобга олиш табелига белгилар қўйишни катта корхоналарда амалга ошириб бўлмайди, бу эса ҳужжатларни ўтиб кетган сана билан расмийлаштиришга ундайди).

Шу муносабат билан иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини юқорида кўрсатилган усул билан бекор қилишга мажбур бўладиган, у қайтиб келган тақдирда ҳатто суд орқали ходимни ишга тиклаш тўғрисида талаб олиши мумкин бўлган вазият юзага келади.

Шу боис етилган муаммони ўрганиш ва сабабларини аниқламасдан, ишда узоқ вақт бўлмаган ходим билан меҳнат муносабатлари бекор қилинишини янада батафсилроқ тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўларди. Иш берувчига бундай ҳолларда қўллаш тавсия қилинадиган корхона локал ҳужжатлари намуналарини ишлаб чиқиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлар эди.

**Мария ТУХТАРОВА,**
**«Norma» МЧЖ юристи.**

*[1]Бир марталик қўпол ҳуқуқбузарликларнинг рўйхати корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасидаги меҳнат шартномасида ҳам, ходимларнинг айрим тоифаларига нисбатан низом ёки интизом уставида ҳам назарда тутилиши мумкин.*

*[2]Меҳнат вазирлиги томонидан Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари тасдиқланган (АВ томонидан 1999 йил 14 июнда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Иш берувчи уларни тўлиқ қабул қилишга, шунингдек ўз хоҳишига кўра уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳам ҳақлидир, бироқ бунда меҳнат қонунчилиги меъёрлари бузилмаслиги керак.*

*[3]Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарорининг 36-банди.*

*[4]Фуқаролик кодекси 36-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, умумий қоидаларга кўра манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.*



# БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ: ЖАННАТДА ИНҚИРОЗ БЎЛАРМИДИ?!



***Қадимда шумерлар ва ассурияликлар Форс кўрфазини жаннат деб атаганларича бор. Бугунги кунда жаҳонни кўп жиҳатдан ҳайратга солаётган Бирлашган Араб Амирликлари давлати айни шу кўрфаз соҳилида жойлашган. Бутун дунё иқтисодий кескинлик исканжасида турган ҳозирги кунда ҳам араблар янгидан-янги ҳайратомуз улкан лойиҳаларга қўл урмоқдалар.***

Аҳли жаҳонни осмонўпар бинолари, мисли кўрилмаган мушакбозликлари билан лол қолдираётган Араб Амирликлари эллик йилча олдин Англия протекторати бўлганлиги ва марварид олиш ҳисобига кун кечирганлигини энди тасаввур қилиш ҳам қийин. Ўша кезлари бу диёрда еттита араб амирликлари жойлашган бўлиб, уларнинг бирлашган ҳолда яшаб келаётганига ҳам 150 йилдан ошган эди. Минтақадаги ҳокимият тизими инглиз сиёсий агенти қўлида бўлиб, Британияга қарашли кўплаб ҳарбий базалар мустамлака маъмуриятининг таянчи ҳисобланарди. Арабистон ярим ороли шайхлари мустақиллик сари дастлабки қадамларни 1833 йилдаёқ ташлаган эдилар. Ўшанда Мактумийлар сулоласи воҳалардан кўчиб Дубайда қўним топган ва шу шаҳар мустақиллигини эълон қилган эди (дарвоқе, айни ана шу сулола ҳозирги кунга қадар Дубай амирлигини бошқариб келмоқда).

ХХ асрнинг 20-йилларида Форс кўрфазида катта-катта нефть конлари топилди. Айни шу кезлари мустақиллик учун кенг кўламда кураш бошланди ва у 1971 йили Бирлашган Араб Амирликлари ташкил топиши билан якунланди.

### ПАЛЬМА-ОРОЛЛАР

*Пальма дегани илдизсиз кўкаришини тасаввур қила оласизми? XXI аср одами ҳам буни мўъжизага йўйиши мумкин. Араб Амирликларида, Дубай жойлашган соҳил яқинида пальма кўринишида учта улкан сунъий орол – Жумайра, Жабал Али ва Дайра ороллари барпо этилган.*

*Ана шу улкан иншоотлар ҳудудида ўнлаб «люкс» русумли меҳмонхоналар, минглаб виллалар, денгиз клублари, савдо мажмуалари, соғломлаштириш ва кўнгилочар марказлар, сув ости ресторани ва сув ости боғи жойлашган. Пальма-ороллари ер юзида инсон қўли билан барпо этилган мўъжизавий иккинчи иншоот дейиш мумкин. Бу оролларни ҳам, Буюк Хитой деворини ҳам ер атрофи орбитасидан оддий кўз билан кўрса бўлади.*

### ҲАШАМАТГА ЗЎР БЕРИБ

Ҳозир бу жаҳондаги энг бой ва энг тараққий топган давлатлардан бири. Дунёни ларзага солаётган ҳозирги инқироз даврида ҳам 14 млн долларга тушган мушакбозлик қилганлигининг ўзи ҳам шундан далолат. Ҳашамат бобида тенги кам диққатга сазовор жойлар маъносида Дубай амирлиги олдинги ўринда ҳисобланади. Бу ерда сунъий оролда машҳур етти юлдузли «Бурж ал-Араб» меҳмонхонаси, учта сунъий пальма-ороллар бор. Қурилаётган «Бурж Дубай» осмонўпар биноси тугаллангач, у дунёдаги энг баланд иморат бўлиб қолади. Бу маҳобатли иморатнинг баландлиги гумбази билан қўшиб ҳисоблаганда 818 м бўлади. Тайвандаги ҳозирча жаҳонда энг «бўйчан» ҳисобланган, баландлиги 509,2 м бўлган «Тайбэй 101» иморати ҳам унинг олдида ҳеч гап бўлмай қолади.

«Бурж Дубай»ни шаҳар ичидаги шаҳар деса бўлади, унинг боғ ва хиёбонлари, яшил майдонлари аро меҳмонхоналар, квартиралар, идоралар ва савдо марказлари жойлашади. Иншоотнинг умумий қиймати 4,1 млрд долларга боради деб мўлжал қилинмоқда.

Араб шайхлари ва тадбиркорларининг қатъиятига тан бермай илож йўқ. Улар яна бир ҳайбатли лойиҳани амалга оширишни мўлжаллаб туришибди. Кўп мақсадларда фойдаланиладиган «Жумайра Гарденс» мажмуаси унинг бунёдкорларига 95 млрд долларга тушади! Мажмуада ишбилармонлик мақсадларига мўлжалланган ва турар жой бинолари, кўнгилочар жойлар бўлади, мажмуа сунъий канал соҳилида жойлашади.

Бирлашган Араб Амирликларида бундай мўъжизалар кўп. Улар энг аввало ажнабийлар учун мўлжалланган, қолаверса барпо этилаётган иншоотларнинг аксарияти ҳам чет элликлар учун қурилмоқда. Бугунги кунда, айтайлик, БААдаги нисбатан қиммат бўлмаган, ҳашаматли бино ва иншоотлар сотиб олаётганлар орасида россиялик бизнесчилар японлар билан биргаликда учинчи ўринни эгаллаб турибдилар. Экспертларнинг мўлжалича, бу диёрда кўчмас мулк бундан кейин ҳам инвесторлар учун жозибадорлигича қолаверади.

Бутун жаҳонда иқтисодиётнинг ана шу сектори оғир кунларни бошидан кечираётган, уй-жойга талаб камайиб, сотилмай турган объектларнинг нархи тушиб кетаётган бир паллада Араб Амирликларида қурилишга жадаллик билан инвестиция йўналтиришда давом этилаётганлиги боиси нимада деган ҳақли савол туғилади. Мавриди келгани боис айтиш керакки, дабдаба ва ҳашам бой-бадавлат одамлар учун кундалик овқат сингари ҳаётий зарурат ҳисобланади. Шу маънода БАА курраи заминимизда энг олдинги ўринда турибди. Зотан сунъий оролларни, сув остидаги меҳмонхоналарни ва 40 даражали жазирамада... қорни фақат шу ерда кўриш мумкин. Араблар инвесторларга шу даражада мақбул таклиф билдирмоқдаларки, ундан воз кечишнинг иложи йўқ. Биринчидан, улар чет элликлар маҳаллий кўчмас мулкни мулк қилиб сотиб олишга ҳақли бўлган эркин иқтисодий зоналар яратдилар. Қолаверса, уй-жой сотиб олган ҳар қандай чет эллик Араб Амирликларида яшаш учун уч йилга резидентлик визаси олиши ва унинг амал қилиш муддатини кейинчалик ўзи учун ҳам, оиласи аъзолари учун ҳам узайтириши мумкин. Иккинчидан, бу ерда кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларга, шунингдек капитал қиймати ошишига ва ижарадан келадиган даромадларга солиқ солинмайди. Учинчидан, кўчмас мулкка инвестиция киритаётганларга бутун қурилиш даврига фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади, сотиб олинган уй-жойни тикланган объект қийматининг ярмидан озроғи учун ҳақ тўланганидан кейин қайта сотиш мумкин. Энг муҳими бу мамлакат уй-жой кредитга берилмаганлиги учун ҳам шу инқирозли даврда нисбатан хавф-хатарсиз бўлиб қолди (уй-жойларнинг қарийб 80 фоизи нақд ҳисоб-китоб орқали сотилмоқда).

Шу сабабли ҳам Европа ва Америка иқтисодиётни барқарорлаштириш учун маблағ излаётган бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари давлатга тегишли инфратузилмани ривожлантиришга маблағлар киритмоқда. Жумладан, Дубай амирлигини ривожлантиришга, хусусан янги аэропортлар, денгиз бандаргоҳлари қурилишига, қарийб 1 млн янги уй ҳамда навбатдаги Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган жой бўлиб қолади деб мўлжалланаётган улкан спорт маркази – Дубай-Спорт шаҳарчаси барпо этишга 2010 йилга қадар бўлган давр учун 275 млрд доллар ажратилди. Қисқаси, БАА энг аввало араб шайхларининг шарқона оқиллиги туфайли гуллаб-яшнамоқда.

Нефтдан келадиган даромаднинг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

### НЕФТЬ ВА ГАЗ ЧАШМАЛАРИ

Бирлашган Араб Амирликлари нефть ва газ тармоғига таянади. Уларни қазиб олишдан келадиган даромадлар давлат ғазнасига тушади. Шайхлар нефть сотишдан келаётган бениҳоя катта фойдани қаерга қўйишни билмай, давлат ташкил топганидан кейин у ўз фуқароларига 400 минг доллардан «еб кетар»га пул берди, ҳар хил нафақа ва сийловларни аямаяпти, деб ҳазил-мутойиба қилишади.

Бу гапда жон бор. БАА ўз фуқароларига жаҳоннинг исталган жойида даволаниш ёки ўқиш учун ҳақ тўлайди, тўй ўтказиш ва кошона қуриш учун уларга қарз беради. Бюджетдан таъминланадиганларни эса давлат умуман жамики керакли нарса билан таъминлайди. Яна бир гап. БААда даромад солиғи йўқ: фуқаролардан фақат 5 фоизли ижтимоий бадаллар ушлаб қолинади, холос. Бу мамлакатда ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 34 минг доллардан ошади.

### ТЎҚҚИЗ ТОННАЛИК ПИШИРИҚ

*Ошпазлик борасидаги ҳайратомуз ишлари билан Дубайнинг номи Гиннес рекордлар китобига ўн икки марта ёзилган. Дубай савдо фестивали доирасида жаҳонда энг катта бирон-бир нарса тайёрлаш ёки пишириш одат бўлиб қолган. Бир неча йил муқаддам Дубайдаги жаҳон савдо маркази ошпазлари 137 минг дона ичи қизил майда булочкалардан... минора тикладилар. Миноранинг баландлиги 5 м бўлиб, оғирлиги тахминан 9 тоннага борар эди.*

### ТУЯ МИНИБ

БАА иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири туризм бўлиб, у давлатга ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизидан кўпини келтирмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бирлашган Араб Амирликларида дам олиш учун ҳамма нарса етарли, қуёш ҳам, денгиз ҳам, минг хил кўнгилочар томошалар – тунда қисқичбақа овлаш-у туяда пойга ўтказишгача бор. Яқин-яқинларгача арабларнинг ҳаётини ана шу ўркачли ҳайвонларсиз тасаввур қилиш қийин эди. Туя уларни боқар, чанқоғини қондирар, кийинтирар ва истаган жойларига элтиб қўяр эди. Тўғри, бугунги кунда «саҳро кемаси» ўрнини тезюрар автомобиллар, ҳашаматли яхталар ва самолётлар эгаллаган. Аммо туялар ҳамон эътиборда: октябрь ойидан март ойигача бўлган даврда Араб Амирликларида ҳар ҳафтада туя пойгалари ўтказилади. Зотдор туялардан нақ йигирма-ўттизтаси пойга беллашувига чиқарилади. Тобғир болалар тизгинини тутган бу жониворлар шу даражада елиб югурадиларки, чанг-тўзон ичида кўринмай кетадилар деса лоф эмас. Ғолиблар соврин ва шон-шуҳратга эга бўладилар, ғалаба келтирган туяларни яхшигина пуллашлари ҳам мумкин. Дарвоқе, туячилик бу ерда сердаромад соҳа ҳисобланади. Чунки битта туянинг нархи 1 млн долларгача бориши мумкин.

### СОЛИҚЛАР СИЛСИЛАСИ

Араб Амирликлари ажойиб ва ғаройиб табиати билангина эмас, балки солиқ олиш тизими билан ҳам кўпчиликни лол қолдиради. PricewaterhouseCoopers компанияси томонидан тузилган жаҳондаги энг қулай солиқ тизимлари рейтингида БАА тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу ерда йиғимлар йўқ ҳисоб. Нефть концессиялари (55%) ва тижорат банклари (20%) эгаларигина корпоратив солиқ тўлайдилар. Қўшилган қиймат солиғи ва оборот солиғи йўқ. Тўғри, кўчмас мулк ижараси учун ҳамда меҳмонхона ва кўнгилочар бизнес хизматлари кўрсатганлик учун иккита 5 фоизли солиқ ҳам бор.

БАА фуқаролари ва улар ташкил этган корхоналар солиқ тўламайдилар, олиб кирилаётган товарлар қийматининг одатда 5 –10 фоизини ташкил этадиган импорт божхона божи бундан мустасно. Чет элликлар учун Араб Амирликларида 16 та эркин иқтисодий зона мавжуд, уларда чет эл сармояси 100 фоизли компаниялар ва корхоналарни рўйхатдан ўтказишга рухсат берилган. Бунда уларга 15 йил мобайнида бирон-бир солиқ солинмаслиги, олиб кираётган товарлари импорт божхона божлари тўлашдан озод этилиши кафолатланади. Бундай зоналарнинг аксарияти Дубай амирлигида жойлашган. 1985 йили ташкил топган Жабал Али эркин иқтисодий зонаси ҳақли равишда энг йирик ва энг ривожланган зона ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида қарийб тўрт минг компаниянинг бўлинмалари ва ҳатто асосий идоралари унинг ҳудудига жойлашди, булар орасида Sony, Nokia, Philips, Honda ва Siemens сингари улкан компаниялар ҳам бор. Энг муҳими БААда Ўрта Осиё транспорт йўлагининг борлигидир. Масалан, бу жаҳонда ўн биринчи ўринда ва Яқин Шарқда энг йирик ҳисобланган Жабал Алидаги бандаргоҳдир. Унинг кема тўхташга мўлжалланган, умумий узунлиги 15 км га борадиган жойлари 130 га яқин денгиз йўналишларига хизмат кўрсатади. Бандаргоҳ яқинида Дубай халқаро аэропорти жойлашган. Буларнинг ҳаммаси қудратли транспорт боғламасини ташкил этиш учун улкан имкониятлар беради. Дубай жўғрофий ўрни ва солиқлар йўқлиги боис Яқин Шарқ, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Австралия, Африка, Малайзия ва бошқа мамлакатлар бозорлари ўртасида юк ташиш ва савдо борасида жаҳондаги олди марказлардан бири бўлиб қолди.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

